O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 9-may, chorshanba * № 20 (772) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * elektron manzil: hurriyat@doda.uz * www.uzhurriyat.uz

### САЛОҲИЯТ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ ТУҒДИРАДИ

Корхона нафақат ички бозорга, балки Афғонистон, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Азербейжан каби давлатларга ҳам маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхонани реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашда қўл келмоқда.



➪ 2-бет

### ЎЛИМИДАН СЎНГ БИР ОЙ ЎТИБ...

АҚШнинг Мичиган штатидаги шифохонада ҳайратланарли воқеа юз берди. Шифокорлар оғир касалликдан сўнг вафот этган ҳомиладор аёлнинг эгизак фарзандларини дунёга келтиришга муваффақ бўлдилар. Янаям ҳайратланарлиси, чақалоқлар роппа-роса бир ой давомида сунъий равишда тирилтирилган организмда сақлаб турилди.



➪ 5-бет

### МАКТАБ ҚУРИБ ЧАРЧАМАГАН МУАЛЛИМ

— Ҳаммаси жойида-ю, фақат қишлоқ болаларининг икки сменада ўқиётганидан кўнглим тўлмасди. Айниқса, тоғ шароитида қиш мавсумида болалар анча қийналади. Кел, дедим, шунча харажатнинг бири, яна уннаб кўрай-чи, балки кўпнинг кўмаги билан бу ният ҳам амалга ошса, ажабмас. Мана, кўриб турганингиздек, яна бир киройи бинони кўтардик.



➪ 6-бет

## *9 май — Хотира ва қадрлаш куни*

## Доим эътибор ва эъзозда

### Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган учрашув бўлиб ўтди

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирга уруш ва меҳнат фахрийлари, миллий журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшган ёши улуғ ижодкорлар таклиф этилди.

Журналистлар ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон "Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, бу борада фидокорона хизмат қилган инсонларни эъзозлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида ўзбек журналистикасида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Расул Раҳмонов. — Ижодий ва техник ходимлар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қўшимча имтиёзлар бериш шулар жумласидандир. Бундай масъулиятли жараёнда кекса ижодкорларни қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш йўлидаги эзгу ишлар ҳам биз, кексаларни ғоят қувонтиради.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Хотира майдонида қадамлар секинлашади. Вақт ҳам бир лаҳза тин олади. Хаёлда халқимиз ҳаётининг изтиробли йиллари, истибдод замонида миллат озодлиги йўлида ўз жонини фидо этган унутилмас сиймолар хотираси уйғонади. Бу мўътабар масканда хотира ҳурмати учун бошлар эгилади. Бу майдонни зиёрат этган одам Истиқлолнинг қадрини, тинч ва осуда кунларнинг шукронасини ўз юрагида чуқур ҳис этади. Нурли ва бахтиёр келажак орзу нияти тоза кўнгилларни мунаввар айлайди.

Халқимиз маънавияти, гўзал инсоний фазилатлари, фарзандларини севган она-Ватан сиймоси, ота уй тимсоли намоён бўлган бу майдон бизга чексиз фахру ғурур бағишлайди.



А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

## Қадрини топган қадрият

Юртбошимиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан бўлган бир учрашувда шу ҳақиқатни алоҳида таъкидлаган эди: "Ўзбекистонимиз йигитлари ўша қонли урушда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, жон олиб-жон бераётганида, ишончим комилки, Европадаги қандайдир тепалик ёки қандайдир шаҳар-қишлоқ учун эмас, авваламбор ўз уйларини, оқ ювиб, оқ тараган, меҳрибон оналарини, севимли ёрини, азиз фарзандларини, қариндош-уруғу дўсту биродарларини ўйлаган. Ва мана шу инсонларнинг, элу юртнинг тинчлиги, осойишталиги ва келажаги учун жон фидо этган. Бу кун мана шу осмонимизнинг мусаффолиги, ҳаётимизнинг тинчлиги учун урушда қурбон бўлган инсонлар куни, уларнинг хотираси кунидир".

Хотира майдонида хаёллар ёришади. Президентимизнинг "9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармонига боис пойтахтимизда Хотира майдони бунёд этилди.

3 »

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг **"Йилнинг энг фаол журналисти — 2011"** танлови давом этмоқда

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўтган йил юртимиз ҳаётида энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллиги санаси сифатида ўчмас из қолдирди. Зеро, ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуғ сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

"Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтган 2011 йилда мамлакатимиз ўзи танлаб олган ва оғишмай илгарилаб бораётган тараққиёт йўлидан яна бир довон ошди. Мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари маҳсули бўлган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенг эътироф этилди.

20 йиллик манзаралар, тараққиётнинг ўзбекона йўли, тарих ва истиқбол кесишган чорраҳалар, миллий қадриятларимиз ривожи, халқимиз ҳаётидаги янгиланишлар, хусусан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида иқтисодиёт ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситалари фаолияти ва журналистлар ижодида устувор ўрин тутди.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2011 йилнинг 1 июнидан 2012 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти — 2011" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**100129, Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**3-қават, 30, 35, 37-хоналар**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**
***www.Journalist.uz***

✓ Сарҳисоб

## Танлов ғолиблари аниқланди

**Дунёдаги энг олий нарса, шубҳасиз, сўз эркинлиги ҳисобланади. Зеро, эркин фикр билдириш тақиқланган, умумхалқ минбари бўлмиш матбуот таъқиб остига олинган жамиятда на олдинга силжиш бўлади, на келажакка ишонч. Юртимизда сўз ва матбуот эркинлигини шакллантириш, ҳокимият ва халқ ўртасидаги кўприк — ОАВ мустақиллиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳият эътибори билан юрт тараққиёти, равнақи учун амалга оширилаяпти, десак, хато бўлмайди.**

"Туркистон" саройида 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилган журналистика соҳасида "Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида бу борада қилинаётган ишлар яна бир бор ўз ифодасини топди.

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

— Ижодий беллашувнинг нуфузи ва нуфуси йил сайин кенгаймоқда, — деди тадбирда сўз олган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, танловнинг ташкилий қўмитаси раиси Ш.Ғуломов. — 2006 йили илк бор ўтказилган танловда ғолиблар 13 номинация бўйича аниқланган бўлса, жорий йилда 27 номинация бўйича мукофот таъсис этилди. Бу йил "Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун" деб номланган янги йўналиш ҳам жорий этилди. Номинациялардан яна бири мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришларни хориж матбуотида холис ва ҳаққоний ёритаётган чет эллик журналистларга ажратилди.



"Олтин қалам" VII Миллий мукофоти учун халқаро танловда 470 нафар журналист 8,3 мингга яқин ижодий иши билан қатнашди. Ажратилган мукофот фонди эса 189 миллион сўмни ташкил этди. Ғолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилди.

4 »

Тадбир

# ННТ ва ОАВнинг жамият ривожидаги роли

**Куни кеча Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида «Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини самарали ёритиш, нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришни таъминлаш соҳасида ОАВ фаолиятини кучайтириш масалалари» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ОАВ ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг демократик ўзгаришлар ошкоралиги, очиқлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар билан жамоатчиликни таништиришдан иборат.

Семинар иштирокчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Мамлакатнинг ҳозирги ривожланиш босқичида фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, мамлакатни демократлаштириш, уни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликни, жамиятдаги барқарорликни таъминлаш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга ошириш борасида белгиланган мақсадларни амалга оширишда ҳал қилувчи омил экани алоҳида таъкидланди.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ва эркин ривожланишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоялаш, ННТлар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқадиган 2011 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган махсус Дастурнинг муҳим аҳамияти қайд этилди.

Семинар қатнашчилари таъкидлаганидек, бугун ННТлар ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлаш, турли аҳоли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш борасида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, улар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, био хилма-хилликни сақлаш ва барқарор равишда қўллаш, жамоат экологик назоратини амалга ошириш, аҳолининг турли ижтмоий ва ёшга доир гуруҳлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада ОАВнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида ННТлар фаолияти ва улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ошкоралигини таъминлаш кўрсатилган.

Тадбир давомида иштирокчилар босма ОАВлар иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳаларининг катта аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Семинар давомида журналистларга ушбу соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсати ҳақида, ННТлар фаолияти учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароит ва кафолатларни янада такомиллаштириш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлиги тўғрисида батафсил маълумотлар берилди, шунингдек, ОАВ ходимлари соҳа мутахассислари билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш имконига эга бўлди.

Шу билан бирга, тадбир давомида мазкур масалаларни ёритишда ОАВнинг долзарб вазифалари муҳокама этилди, ушбу соҳага оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Семинар иштирокчилари қайд этганидек, тадбир уларга касбий билим ва кўникмаларини, анжуман мавзуси бўйича хабардорлик даражасини ошириш имконини берди.

**Ўз мухбиримиз**

Нуқтаи назар

# Ҳаёт ҳақиқатига асосланган Қомус

**Бу йил биз йигирма йиллигини нишонлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларга диний эътиқод эркинлиги кафолатланган. Бу мамлакатимиз эришган эрк ва озодликнинг энг катта ютуқларидан биридир. Бундай имкониятни ҳатто ўзларини демократиянинг устуни деб ҳисоблайдиган баъзи давлатлар ҳам таъминлай олгани йўқ.**

Биласиз, ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом дини мустамлакада пайтимизда бир юз ўттиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида тазйиқ остида қолган эди. Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилидаёқ, яъни 1991 йил 18 декабрь куни "Халқ сўзи" газетасига берган интервьюсида ислом динининг ижтимоий-маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини таърифлаб шундай деган эди: "Ислом — покланиш, руҳий қудрат олиш, қалбан уйғониш манбаидир. Шу пайтгача бизга дин афъюн деб келишди. Диндорлар қувғин қилиндилар. Ота-онасига жаноза ўқитганлар жазога тортилдилар. Хуллас, не ҳунарлар кўрсатмасинлар, ислом яшашдан тўхтамади. Нега? Чунки у бизнинг онгимиз, шууримиз, ҳаётимиз, борлиғимиздир. Бугун ана шу дин орқали вужудимизга мусаффолик, дилимизга иншооллоҳ поклик кириб келмоқда. Ахлоқ-одоб, маърифат яна хонадонларимиз файзига, одамлар хислатига айланишида исломнинг ўрни бениҳоя бўлмоқда".

Юртбошимизнинг бу сўзлари қанчалик ҳаётий ва ҳаққонийлигини ўтган йиллар тажрибаси кўрсатди. Биз бошқаларни камситиш ҳисобига ўзимизни улуғламадик, аммо имон-эътиқодимиздан, муқаддас динимиздан чекинмадик, аксинча, уни қалбимизда сақлаб, ҳаётимизнинг асосий мезонига айлантирдик, унга муносабатимизни ҳуқуқий жиҳатдан асослаб олдик.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилади. Ҳозир намоз ўқийсизми, рўза тутасизми ихтиёр ўзингизда. Ҳеч ким тўсқинлик ҳам, таъқиб ҳам қилмайди. Бугун бу оддий ҳолат бўлиб туюлади. Хўш, яқин ўтмишда-чи? Бор-йўғи саксонинчи йилларнинг бошида пайшанба, жума ва ҳайит кунлари одамларни қўймаслик учун қабристонларда назорат постлари ташкил қилинарди. Жанозада қатнашганлар ёки жума намозига борганлар "қора рўйхат"-га тушдилар. Масжидлар омборларга айлантирилганди. Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг байрам қилиниши ҳам тақиқланганди. Буларни унутиб бўладими? Ўша мудҳиш кунларни эслаган сари бугуннинг, озод ва обод Ватанимиз, унинг Конституцияси ва қонунларининг қадри орта боради.

Мен юқоридаги фикрни бежиз қаламга олмадим. Бундан тўрт-беш йил олдин биз ислом динига кенг йўл очилди, деб қувончдан энтикиб юрганимизда бир давлатнинг расмий идораси бутунлай туҳматдан иборат уйдирмани тарқатди.

Орадан бир неча ой ўтиб иғвогарлар шарманда бўлишди. Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. "Ислом дунёси Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, ал-Беруний, аз Замахшарий ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларнинг инсоният цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини эътироф этади ва юксак баҳолайди" дейилади Мисрдаги машҳур "Ал-Азҳар" мажмуаси шайхи, бош имом Муҳаммад Саййид Тантовийнинг шу муносабат билан Юртбошимизга йўллаган табригида ва ушбу эътирофга алоҳида урғу берилади: *"Ўз навбатида Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Сиз жаноби олийларининг илм ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислом цивилизациясини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингиз араб ва ислом мамлакатлари томонидан тан олинишининг яққол далили бўла олади"*.

Бугун жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб, яна бир ташвишли ҳолатга эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Баъзи сиёсатдонлар диний эътиқод эркинлиги ниқоби остида ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга уринмоқдалар. Улар турли диний оқимлар ва гуруҳларни қўллаб-қувватлаб, диний конфессиялар ўртасида қарама-қаршиликни кучайтиришга интилмоқдалар. Оқибатда айрим минтақа ва мамлакатларда ҳар хил низолар, уруш-жанжаллар келиб чиқяпти, жамиятларда бўлиниш ва парокандалик юзага келяпти. Айниқса, Осиё ва Африкадаги баъзи давлатларда мусулмон мусулмоннинг қонини тўкаётган ҳолатлар юз бериб турибди.

Ўзбекистонда ислом динининг тутган ўрни ва аҳамиятига Юртбошимиз кўп марта ўзининг маърузалари ҳамда суҳбатларида холисона тўхталиб ўтган. Жумладан, 2007 йилда "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деган эди: *"Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби — биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади"*.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

Фаолият



# Салоҳият келажакка ишонч туғдиради

**Мамлакатимизда металл ишлаб чиқариш соҳасида анча йиллардан буён "Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти етакчилик қилиб келаётир. Комбинат 1994 йили Республика Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ бир неча металлургия корхоналарининг бирлашиши асосида ташкил этилган. Айни дамда комбинатда 20 га яқин цехлар фаолият кўрсатяпти. Бу ерда йилига 700 минг тоннагача пўлат эритилиб, ички ва ташқи бозор учун зарур бўлган турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.**

"Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамияти мустақиллик йилларида металлопрокат ишлаб чиқарувчилар орасида ўз мавқеини сезиларли даражада мустаҳкамлаб олди. Бунга импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш туфайли эришилди. Айни пайтда, комбинатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехи ҳам ишлаб турибди. Унда ҳар хил турдаги сирланган пўлат идишлар, пайвандлаш электроди, мих, болт, гайка каби барча соҳалар учун манзур бўлган маҳсулотлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ташқи бозорлардан кириб келаётган маҳсулотлар ўрнига уларни ўзимизда кўпайтиришдир.

— Ишлаб чиқариш соҳасида хомашё масаласи муҳим аҳамиятга эга, — дейди комбинатнинг инвестиция департаменти бўлими муҳандиси Шавкат Сайдуллаев. — Бу бизнинг комбинатда яхши йўлга қўйилган. Вилоятлардаги бўлимларимиз металлломларни ўз вақтида етказиб беради. Улар қайта ишланиб, эритиш учун электрон печларга жўнатилади. Қаттиқ темир суюқ ҳолатга келиб, қип-қизил оловга айланади. Унга керакли бўлган кимёвий унсурлар қўшилиб, қаттиқ, юмшоқ, чидамли пўлат олинади. Улар турли шаклларга солиниб, қурилиш ашёлари ва шу сингари бошқа маҳсулотларга айланади.

Комбинатимиз пўлат билан бирга рангли металл ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. Унинг йиллик қуввати 3 минг тоннани ташкил этади. Цехларимиз Италия, Швейцария, Австрия, Германия каби хорижий давлатларнинг энг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган. Рангли металлдан радиаторни совутишга мослаштирилган қувурча, латун тасмалар, фольга, тасма, тунука ҳамда ленталар ишлаб чиқарилади.

Комбинат тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини бажара бориб, унинг ривожланишини таъминламоқда, товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича буюртмаларни шакллантирмоқда. Шу боис, экспортга мўлжалланган, рақобатбардошлиги ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2010 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш прогнози 96,2 миллиард сўм ўрнига 133,4 миллиард сўмга бажарилди. Ўтган йили эса 104,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилгани ҳолда, у ортиғи билан уддаланди.

Корхона нафақат ички бозорга, балки Афғонистон, Эрон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Азербайжан каби давлатларга ҳам маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхонани реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлашда қўл келмоқда. Илғор технологияларда иш олиб борилаётгани, қолаверса, корхона муҳандисларини самарали изланишлари сабабли ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, маҳсулот сифати яхшиланмоқда, энергия тежамкорлигига эришилмоқда.

"Ўзметкомбинат" ОАЖ раҳбарияти томонидан кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилган. Маҳаллий ёшлар мамлакатимиз ва Россиядаги олий ўқув юртларида шартнома асосида таълим олишлари, келгусида иш билан таъминланиши кафолатланмоқда. Шу билан бирга, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳам доимий диққат-эътиборда турибди. Албатта, бу ёшларнинг келгусида етук мутахассислар бўлиб етишида муҳим ўрин тутади.



Комбинат фаолиятида ижтимоий ҳимоя, ишчи-ходимларни қўллаб-қувватлаш масаласи доим устувор аҳамият касб этиб келган. Масалан, яқинда Бекобод шаҳрининг 13-даҳасида ёш оилалар учун иккита кўп қаватли уй қуриб, фойдаланишга топширилди. Айни дамда уй-жой қурилиши жадаллик билан олиб борилпти. Шу қаторда комбинат маблағи ҳисобига 10 та болалар боғчаси, 100 ўринга мўлжалланган санаторий-профилакторий, болалар ва спорт майдончаларига эга бўлган маданият ва истироҳат боғи, йирик сузиш ҳавзаси, шунингдек, "Ёшлик" спорт мажмуаси қурилди. 435 ўринли Техника-иқтисодиёт коллежи фойдаланишга топширилди.

Металлсозлар маданий ҳордиқ олиши учун бир неча йиллардан буён "Металлург" оромгоҳи фаолият юритиб келмоқда. У бекободликларнинг алоҳида фахри ҳисобланади. Бу гўзал иншоот Чимён-Чорбоғ курорт зонасида жойлашган бўлиб, унинг кўп қаватли биноси улкан океан лайнерига ўхшайди ва атрофдаги тоғ чўққилари кўринишида виқор билан кўзга ташланиб туради. Бу ерда металлсозлар дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Хуллас, "Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти кўп минг сонли аҳил жамоаси меҳнати натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти юксалтиришга мўлжалланган узоқ муддатли дастур қатъият ва изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Бу корхона учун янги давр бошланганидан далолат бериб, металлсозларни келажакка ишонч билан қарашга ундамоқда.

**Бобур МУҲАММАДИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

# Ҳам билим, ҳам малака

Оила — муқаддас даргоҳ. Эзгу ният ва ёруғ орзу умидлар билан оила қурган киши умрбод бу улуғ даргоҳнинг шаънини ҳимоя қилишга интилади. Фарзандларига яхши тарбия бериб, уларни эл-юртга нафи тегадиган инсонлар этиб вояга етказишга ҳаракат қилади. Бу эса азал-азалдан халқимизнинг оилапарвар бўлганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, оила мустаҳкамлигини таъминлашда ҳар томонлама баркамол ёшларнинг оила қуриши муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялашга катта аҳамият қаратилмоқда. Эътиборли жиҳати, бу йўлда Самарқанд банк коллежида ҳам бир қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ушбу таълим даргоҳида ёшларга билим ва малака бериш билан бирга уларни бўлажак оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Коллежда мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилган "Қизлар давраси" кўрик-танлови, турли мавзулардаги баҳс-мунозаралар, салбий иллатларга қарши тадбирлар ёшларни оилага тайёрлаш билан бирга соғлом ҳаётга бўлган муносабатларни шакллантиришда муҳим омил бўлаётир. "Ёш оила қурувчилар мактаби" машғулотининг ташкил этилгани эса катта ҳаёт остонасида турган фарзандларимизни келажакда оилада ўз ўринларини топишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Бу жараёнда коллеж ва Самарқанд шаҳар 2-сонли ФҲДЁ бўлими, тиббий муассасалар билан кенг ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётир.

**М.АШУРОВА,**
**Самарқанд Банк коллежи ўқитувчиси**

# Инсон улуғ, хотира — муқаддас



## Дориломон кунлар шукронаси

Мамлакатимизда инсон қадри баланд, шаъни, манфаатлари ҳамиша устувор. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги даврнинг оғир синовларини мардона енгиб, бугун кексалик гаштини суриб яшаётган нуроний отахон ва онахонларимизга алоҳида иззат-икром кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелда қабул қилинган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантиришга оид фармони ҳам ана шу эҳтиромнинг амалдаги яна бир намунасидир.

Қарши шаҳридаги Насаф маҳалласида яшовчи Суннат ота Ғаниевнинг хонадони ҳамиша маҳалладошлари ва ёшлар билан гавжум. Иккинчи жаҳон уруши майдонларидан оғир яраланиб қайтган, ҳалол меҳнати билан эл аро обрў топган, фарзандларини ҳам эл-юрт корига ярайдиган инсонлар этиб тарбиялаган Суннат отанинг кўрган-кечирганлари барча учун қизиқ, бой ҳаётий тажрибага асосланган ўгитлари ибратли. Отахон, энг аввало, мамлакатимизда қарор топган тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етишни уқтиради.

— Шундай дориломон кунларга етиб, фарзандларимнинг камолини кўриб яшаётганимдан жуда хурсандман, — дейди С.Ғаниев. — Тинч, фаровон ҳаётимиз учун Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

**Суратда:** *Суннат Ғаниев неваралари билан.*

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Саодатманд санъаткор

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли сўз санъаткори,
**Пиримқул ҚОДИРОВ**нинг
ўчмас хотирасига бағишлайман

*Умрин буткул Ватанга эҳсон этган бир инсон,*
*Ҳурриятга фидойи, руҳи рахшон сир инсон.*
*Авлодлар хотирида қола олган навқирон,*
*Озод диёр бағрида дорул-омон зўр инсон —*
*Пиримқул Қодировнинг тафаккури мустаҳкам,*
*Бундай ҳассос санъаткор туғилади жуда кам.*

*Ижод боғистонида «Уч илдиз»и мустаҳкам,*
*«Қора кўзлар» қалбида иймон кўзи мустаҳкам.*
*Бобуршоҳ қудратида бахт юлдузи мустаҳкам,*
*Ҳумоюн ва Акбарнинг зукко сўзи мустаҳкам.*
*Машриқу мағриб аро муҳаққақ бўлди машҳур,*
*Пиримқул оғамизнинг гулистони — тафаккур.*

*Қизил салтанат ичра кезиб мудом саргашта,*
*Таъқиблар, тўғаноқлар беададу пайваста.*
*Жисми жони гоҳи соғ, гоҳи бўларди хаста,*
*Яшаб қизил сиртмоқда, тузди сўнмас гулдаста.*
*Ҳуррият боғларида ярақлаган тафаккур,*
*Юртим осмонларида чарақлаган тафаккур.*

*Бугун озод элимда ҳур фикрлар тимсоли,*
*Адаб бадиҳасида қутлуғ зафар мисоли.*
*Соҳибқирон ҳиммати музаффарлик камоли,*
*«Эл ва тил» таҳлилида мутафаккир жамоли.*
*Лочин қуш самосида ярақлаган тафаккур,*
*Истиқлол гулбоғида чарақлаган тафаккур.*

*Озодлик бўстонида фикр боғин боғбони,*
*Саодатманд, донишманд, беназир нуктадони.*
*Ажаб сарбаланд, улкан насрнавис карвони,*
*Эҳтиромлар айламиш халқимиз чароғбони.*
*Замоний кулбасида ўчмас машъал тафаккур,*
*Мутафаккир ижоди боқий ҳайкал тафаккур.*

**Маҳмуджон НУРМАТОВ**

## Боқий самимият

Мен устоз адиб Иброҳим Раҳим сиймосини эслаганимда руҳим ёришиб кетади. Унингдек бағрикенг, меҳрибон инсонларни кам учратганман. Биз адабиёт остонасига чўчиб, қимтиниб, минг ҳадик билан қадам қўйганимизда Иброҳим акалар авлоди карвонбоши эди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор бу оламдан ўтган, улардан кейин бу мўътабар кошонага улар кўтарилганди. Ҳамид Ғулом, Ғафур Ғулом номидаги нашриётда директор, Асқад Мухтор — “Гулистон” журналида бош муҳаррир, Мирмуҳсин “Шарқ юлдузи” журналида... Иброҳим Раҳим эса “Муштум” журналини бошқарарди. Бундай раҳбарлар билан гаплашишга биз, ёшларнинг юрагимиз сира бетламасди, ҳаддимиз сиғмасди. Лекин кенжа устозларимиздан Иброҳим Раҳим ҳақида кўп яхши гапларни эшитардик.

Жумладан, Иброҳим ака қаерга раҳбар этиб тайинланса, ўша ерга файз кириб кетар экан. Масалан, «Ўзбекфильм»ни бошқарган пайтида ижодий соҳалар орасида кино саноати энг пешқадам бўлган. “Гулистон” журнали унинг бош муҳаррирлиги даврида ҳам мазмуни, ҳам безалиши жиҳатидан ноёб нашрга айланган. Ўша даврда журналда шундай дадил мақолалар эълон қилинганки, уларни ўқиганлар ҳали-ҳануз эслаб юришади. Шулардан бири “Амир Темур тузуклари”. Бу ноёб қўлёзма илк бор Соҳибқирон номини тилга олишга ҳар ким ҳам ботинавермайдиган бир замонда “Гулистон”да чоп этилган эди. Яна бири — Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” асари. Бу асар Эркин Воҳидов таржимасида берила бошлаган. Бир-икки сондан кейин эса тўхтаб қолган. Гўё Эркин Воҳидовнинг бу асар давомини таржима қилишга вақти йўқ эмиш. Аслида эса миллат кўзини очиб юборадиган ушбу асар ана шунақа важлар билан партия олий идораси томонидан тўхтатилган. Лекин эълон қилинган парчаларнинг ўзи ҳам бош муҳаррирнинг катта жасорати деб баҳолаш мумкин.

“Муштум” журналини бошқарган даврида ҳам Иброҳим Раҳим юқорида таъкидланганидек, дадил, жасорат билан фаолият олиб борди. Абдулла Ориповнинг ҳеч қаерда эълон қилинмаган “Жаннатга йўл” шеърий драмасини “Муштум” саҳифаларида ёритишга журъат этди! Кейин бир гуруҳ ёзувчилар бу хусусда Марказқўмга “хат” ёзишиб, бош муҳаррирни кўп овора қилишган. Бундай ҳолатларда у айбни таҳририятнинг ҳеч бир ходимига юкламай, ҳамма масъулиятни мардона туриб ўз зиммасига олган.

Иброҳим Раҳим билан мен бир марта сафарда бўлганман. Ҳамзанинг 100 йиллиги эди, чамамда. Юбилей тантаналари Шоҳимардондан бошланди, кейин туманларда учрашувлар ўтказиб, Қўқонга келдик. Шу ердаги меҳмонхонада тунадик. Иброҳим ака, Наим Каримов учовимиз ярим тунгача чақчақлашиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Мен ўшанда унинг ўзини худди йигитлардек тутишига, руҳидаги чинакам ҳаётсеварликка, қалбидаги самимий дилкашликка ич-ичимдан ҳавас қилганман. Ҳолбуки, у уруш қатнашчиси бўлиб, фронтдан оғир жароҳат олиб қайтган эди.

Иброҳим Раҳим ҳаммага яхшилик истайдиган, ҳамманинг кўнглини кўтаришга ошуфта инсон эди. У барчага меҳрини улашишга интиларди, ҳазилни севарди. Унинг Дўрмондаги дала ҳовлисида бўлган воқеани ҳали-ҳануз гапириб юришади. Иброҳим Раҳим дала ҳовлисига бир дўстини меҳмонга чақирибди. Мева-чевалар пишган, бир татиб кетинг, деб чорлабди.

— Қандай мевалар бор боғингизда? — сўрабди дўсти.

— Олма, анор, шафтоли... полиз экинлари ҳам бор, ҳатто коньяк ҳам экканман, — дебди Иброҳим ака.

— Коньяк! Уни экиб бўларканми?

— Келсангиз кўрасиз.

Меҳмон келгач, улар боғни, кейин полизни айланишибди.

— Эккан коньягингиз қани? — сўрабди меҳмон.

— Ҳозир... Мана бу карамни узиб олинг... Энди уни кесиб, икки паллага ажратинг.

Меҳмон карамни иккига бўлса, унинг ичидан чоракталик коньяк шишаси чиқибди. Ўша пайтларда шундай коньяк шишачалари урф бўлиб, уни “четушка” деб аташарди.

— Энди амин бўлдингизми гапимнинг чинлигига? — дебди мезбон меҳмоннинг ҳайратидан янада завқланиб.

Иброҳим ака бу “четушка”ларни эрта баҳорда, карам илк баргларини ёзаётган пайтда улар орасига жойлаб қўйган экан. Демак, дўстларини кузда ҳайратга солиш, улар қалбида беғубор завқ уйғотишга у эрта баҳорда тараддуд кўрган.

Иброҳим Раҳимнинг “Чин муҳаббат”, “Ихлос”, “Тақдир”, “Генерал Равшанов” номли роман ва қиссалари бугунги ёшлар ўртасида ҳам дўстлик ва муҳаббат туйғуларига ҳамоҳанг бўлиши мумкин. Ватанга садоқат ҳисларини баланд оҳангларда куйлагани билан бугунги кун ўқувчисини сира беэътибор қолдирмайди. Иброҳим Раҳимнинг шахси, унинг мунаввар сиймоси ҳамма даврлар учун ҳам беназир бўлиб қолаверади.

**Мирпўлат МИРЗО**

## Ён дафтарда қолган ёзувлар

У журналистиканинг барча жанрларида қалам тебрата оладиган, фикр-мушоҳадаси кенг ижодкор эди. Ёзган мақолалари, фельетонлари, очерклари, ҳикоялари, қиссалари замонасининг долзарб муаммоларини ўз ичига олгани билан ажралиб турарди.

Воқеликдан тўғри хулосалар чиқара билиш, китобхонда кўтарилган мавзуга ишонч, муҳаббат ёки нафрат уйғотиш ёзувчи-журналист Ҳабиб Нўъмон ижодига хос хусусиятлардан бўлган. Унинг камтарлиги, ширинсуханлиги, дилкашлиги, атрофдагиларга меҳрибонлиги ва оғир-вазминлиги ҳар қандай даврага файз бағишларди.

Афсуслар бўлсинки, Ҳабиб Нўъмон сингари Ватан меҳрини қалбида сақлаб келган катта ёшдаги кўплаб ижодкорларга бугунги дориломон кунларни, она юртимизнинг мустақил бўлганини кўриш насиб этмади. Улар ҳаётда жисман йўқ бўлсалар ҳам, руҳлари фарзандлари, невара-чеваралари, уни кўрган-билганлар ёдида барҳаётдир. Зеро, буюк бобомиз Мир Алишер Навоий айтганларидек:

***Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,***
***Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.***

**Суръат АБДУКАРИМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

**Ҳабиб НЎЪМОН**

- Ёзиш сирини Абдулла Қодирий (Жулқунбой) асарларини ўқиб англаганман. Унинг юморга бой, сермулоҳаза ҳикоя ва ҳажвиялари, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари мени ёзувчилар даргоҳига етаклаган.
- Ҳаётнинг аччиқ онларию лаззатли дамларини меъёрида кечира олган кишигина баркамол инсондир.
- Бир донишманддан “Сиз нимадан жуда қўрқасиз?” деб сўрабдилар. Донишманд жавоб берибди: Фақат иғво ва туҳматдан.
- Дўстига хиёнат қилган кишига унинг Ватанига, халқига хиёнат қилмайди, деб ҳеч ким кафолат бермаса керак.
- Биз онамиздан умрбод қарздормиз. Зеро, она сўнгги нафаси чиқаётганда ҳам “болам” дейди. Менинг онам ўша куни “Болам, кеча бошим оғрияпти деяётган эдинг. Тузукмисан? Ўзингни эҳтиёт қил!” деб манглайимни силаган ва орадан ярим соатлар чамаси ўтмай жон берган эдилар.

Ўз дардини унутиб, фарзандини ўйлаш фақат оналаргагина хос фазилатдир.

- Онам — Ватаним, кўксингда бир томчи қон бўлиб кўпирсам, курашсам, меҳнат қилсам — бу менинг энг эзгу умидим, бахтим...
- Шахмат — бу фақат доналарнинг эмас, рақибларнинг руҳий жангги ҳамдир.
- Журналист учун аввал факт керак, сўнг мушоҳада.
- Ёмон келин яхши қайнона бўлолмайди.
- Бошнинг оғриши унинг борлигидан далолат беради.

Навоий вилояти Нурота туманининг сўлим Деҳибаланд қишлоғида қарилик гаштини сураётган Элбой ота Тошев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан. Отахон аслида 1924 йилда туғилган. «Қаҳатчилик йиллари бўлгани учун отам раҳматли туғилганлигим тўғрисидаги гувоҳномани икки йил кеч олган, — дейди у биз билан суҳбатда. — Ҳа, замон нотинч, яшаш оғир бўлган даврда халқимиз жуда оғир синовларни бошидан кечирган».

## Энг улуғ таъриф

Элбой отадан даҳшатли уруш ҳақида сўраганимизда бироз сукут сақлади-да, сўнг оғир хўрсиниш ила шундай давом этди: «18 ёшда эдим. Айни кучга тўлган пайтим. Ҳеч эсимдан чиқмайди: эрталаб қуёш энди заррин нурларини соча бошлаган, одамлар аста-секин жонланмоқда эди. Бирдан эшигимизда кимдир бақирди, кўчага чиқсам хат ташувчи бобо қўлидаги қоғозни менга узатиб: «Ма, ўғлим, эл қатори сенга ҳам урушга чақирув қоғози келди. Бу кетишда элда эр йигитлар қолмайди», — деб бош силкиди. Шундай қилиб, 1943 йил яқинларим, қишлоқдошларим мени оқ фотиҳа билан кузатишди. Россиянинг Биленский шаҳрига бориб жойлашдик. Қонли жанггоҳларда юртимиз тинчлиги учун курашдик. Аллоҳнинг амри билан омон қолдим. Уруш тугагач, беш йил талафот кўрган қишлоқ-шаҳарларда меҳнат қилдик. Ниҳоят, 1950 йили жонажон қишлоғимга қайтдим... Бомбаларнинг портлаши, ўқ овозлари ҳамон қулоғим остида гумбурлайди. Тилагим — инсон бундай офатларни бошқа кўрмасин. Бугунги тинч, осуда замоннинг қадрига етиб, дориломон кунларга етказганига шукрона айтиш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз, болам...»

Инсон эрки, келажак авлод бахти учун жанг майдонига кириш чинакам марднинг иши. Она замин тинчлиги учун мислсиз хизмат кўрсатган Элбой отанинг кўкрагида бир қанча жанговар орден ва медаллар ярқираб турибди. У кўксидаги 1994 йил ҳукуматимиз томонидан тақдирланган «Жасорат» медалини қадоқ қўллари билан силаб қўяр экан:

— Шукур, Ватанимиз мустақиллигини ҳам кўриш насиб этди. Уни кўз қорачиғи каби асранглар, болам, — деди энтикиб.

**Тоҳир РАВШАНОВ**

## Қадрини топган қадрият

(Бошланиши 1-бетда.)

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотираси абадийлаштирилди. Эндиликда Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча кишилар қадр топмоқда.

“Хотира” ва “Қадр” сўзларининг маънолари янада теранлашди. “Хотир”, “хотира” сўзлари Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида “кўнгил, ўй, фикр, хаёл” дея изоҳланган.

***Кимки бир кўнгли бузуғнинг***
***хотирин шод айлагай,***
***Онча боркимким, Каъба вайрон бўлса,***
***обод айлагай.***

Бу байтда юрт ободлиги, ҳатто Каъба ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади, деган фикр мужассам. Хафа бўлган, изтироб чеккан, жабру зулм кўрган кишининг кўнглини шод ва обод этиш халқимизнинг азалий қадриятларидандир.

Хотира майдонидаги темир китобларда номлари зикр этилган, навқирон ёшида нобуд бўлган ўғлонларни эслаганимизда юрагимиз ўртанди. Ватан ҳимоясига, халқ шаъни ва қадр-қиммати учун жонини ҳам аямаган ватандошларимизнинг жаҳди кўнглимизга қудрат бағишлайди.

“Қадрлаш” сўзи Ҳазрат Навоий асарларида “қадрлиқ” шаклида ишлатилган.

***Кичик ёшлик аммо улуғ қадрлиқ,***
***Ҳилолида маълум ўлуб бадрлиқ.***

“Садди Искандарий” достонидаги ушбу маснавийда нақадар теран мазмун ва гўзал сўз ўйини мавжуд. “Ақл ёшда эмас, бошда” деган халқ нақлининг янгича маъноси кашф этилган. Унинг ёши кичик, бироқ қадри баланд эди, зотан ҳилоллигида — янги кўринган ой эканидаёқ бадр — ўн тўрт кунлик тўлин ой экани маълум эди, дейди шоир.

Элу юрт учун хизмат қилган, халққа қайишган инсонларнинг қадри ҳамиша эл орасида баланд бўлади. Шунинг учун инсон қадри-қиммати ҳар недан азиз ва муътабардир. Ўзбек халқининг ўзига хос миллий фазилати шунда.

Хотира майдонида халқимиз меҳридан баҳраманд бўлган, қадру эътибор кўрган одамларнинг дил изҳорлари ва шукроналари эсга тушади.

Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг Ватан ҳақидаги “Она шаҳрим — Тошкентим” асарида ўзбек халқининг меҳрибонлиги, инсонпарварлиги ҳақида ўз дил изҳорини шундай баён этади:

“Уруш.

Аскарларнинг учбурчак хатлари. Қорахатлар. Одамларнинг кўзларига тик боқа олмайдиган хат ташувчилар. Нон карточкалари. Буларнинг ҳаммаси менинг Тошкентимнинг ҳам бошига тушган.

Маданият клублари ва мактаблар бинолари касалхоналар, госпиталлар учун бўшатиб берилган. Уларда турли миллатга мансуб бўлган аскар йигитларнинг қанчаси ҳаёт билан видолашган. Қанчадан-қанча одамлар очлик, терлама, ўлим офатларидан қутқариб қолинган...

Менинг жонажон шаҳрим ўша йилларда, э-ҳе, хонадонларига уруш ўт қўйган яна қанчадан-қанча одамларнинг жонини омон сақлаб қолмади, дейсиз. 1937 йилда бу ерга кўчиб келишган ва 1939 йилда мени дунёга келтиришган ота-онам ҳақида гапирмасам ҳам бўлади”.

Александр Файнберг ҳам шу юртда туғилди, шу юртни мадҳ этиб шеърлар битди, шу юртда қадр топди, меҳр кўрди...

Хотира майдонида ҳар ким ўз уйини, ўз онасини, ўз туғилган гўшасини, ўз қариндош-уруғини, биродарини ўйлайди. Ватан соғинчини ҳис этади. Буюк аждодлар, ота-боболар руҳига бағишлаб тиловат қилади. Аллоҳдан хонадонларга тинчлик-хотиржамлик, давлатимизга барака, юртимизга ободлик тилайдилар.

Хотира майдонида вақт бир лаҳза тин олади. Инсон кечмиш хотираларга ғарқ бўлади. Азиз инсонлар хотираси олдида бош эгади. Яқинларининг қадрига етади.

**Рустам МУСУРМОН**

# Танлов ғолиблари аниқланди





(Бошланиши 1-бетда.)

Танловнинг бош миллий мукофотини "Фарғона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари таҳририяти (бош муҳаррири Баҳромжон Обиджонов) қўлга киритиб, махсус диплом ва республикамиздаги энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

«Энг яхши журналистик материал учун (телевидение)» йўналишида ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион дастурлари бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси Саида Давлетова биринчи, ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари Фарҳод Тўраев иккинчи, НТТ телеканалининг "Дийдор ширин" кўрсатуви муаллифлари ва бошловчилари Насиба Мақсудова, Муслимбек Йўлдошев учинчи ўринга муносиб кўрилган бўлса, радио йўналишида 1-ўрин ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бўлим муҳаррири Давлатмурод Мўминовга, 2-ўрин Нодавлат радиостанциялар тармоғи (НРТ) бош муҳаррири Наврўз Ашурматовга, 3-ўринга Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси радиоканалининг катта муҳаррири Лалахан Нураддиновага берилди.

Танловнинг Интернет-журналистика йўналишида асосий мукофотларни "Uzreport.com" интернет-портали масъул муҳаррири Любовь Эберзенок, "Анадолу" ахборот агентлиги мухбири Бахтиёр Абдукаримов, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "Хўжа Аламбардор" жомеъ масжиди имом ноиби Шавкат Аҳмедовлар қўлга киритдилар. Матбуот йўналишида эса Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — «ЎзА»нинг Ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири Анна Иванова биринчи, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Фаррух Ҳамроев иккинчи, "Маърифат" газетаси бўлим муҳаррири Ҳулкар Кузметова (Тўйманова) учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдинов, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот бўлинмаси катта инспектори, "Автоҳамроҳ" журналининг жамоатчи мухбири Мансуржон Рихсиев, "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири Ботирали Шодиев, Андижон вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири ўринбосари — радио гуруҳи раҳбари Ферузахон Сиддиқова, "Давр" газетасининг масъул котиби (Наманган вилояти) Мирмуҳсин Мирзокиров, "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири Зулфия Файзуллаева, "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири Одина Каримова, Навоий вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири Нодира Самандарова, "Қашқадарё" газетаси бўлим муҳаррири Дилбар Кенжаева, ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош режиссёри Шерзод Мирпўлатов, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот хизмати бошлиғи Асқар Хайдаров, "Халқ сўзи" — "Народное слово" газеталари фотомухбири Бахтиёр Акрамов, эркин ижодкор (Самарқанд вилояти) Ҳасан Султонов, "Цзинцзи Жибао" газетаси (Хитой Халқ Республикаси)нинг Тошкентдаги мухбирлик пункти мудири Ли Чуйфа танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари соҳиби бўлдилар.

— Бугун юртимизда қадр топаётган касблардан бири журналистика соҳаси десам, адашмайман, — деди устоз журналист Маҳмуд Саъдинов. — Бу юксак мукофот янада кўпроқ меҳнат қилишим ҳамда соҳа ривожи учун ҳисса қўшишимда менга қанот бағишлайди.



Шу куни халқаро ташкилотлар ҳам ўзларининг рағбатлантирувчи мукофотлари билан иштирок этишди. **Кувонарлиси, "Ҳуррият" мустақил газетаси таҳририяти оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва демократлаштириш, сўз ва ахборот олиш эркинлиги мавзуларини ёритгани учун ЮНЕСКОнинг эътирофига сазовор бўлди.** Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни мавзусини ёритгани учун «Гранд» радиостанциясининг шеф-муҳаррири Нодира Мақсудова Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, энергия самарадорлигини ошириш масалаларини ёритгани учун "Соғлом авлод" газетаси мухбири Майрам Аҳмедова Жаҳон Банкининг, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусини ёритгани учун "Мирзаобод" газетаси (Сирдарё вилояти) бош муҳаррири Анорбой Норқулов ҳамда "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари (Навоий вилояти) мухбири Руслан Сабуров "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения)нинг рағбатлантирувчи мукофотларига муносиб кўрилди.

Тадбир давомида таниқли ва ёш санъаткорлар томонидан намойиш этилган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчилари кўнглига бир олам завқ-шавқ улашди.

**Иномжон АБДИЕВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

*Хотира — азиз*

# Эзгуликка бахшида умр

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллари эди. Ансориддин ака бир куни "Бобурийлар мероси" деган асар ёзиб, қўлёзмани ўқиб чиқишим ва у ҳақда фикр билдиришимни сўраб қолди. Бўлажак китоб Мирзо Бобурнинг 510 йиллик тўйи муносабати билан тайёрланаётган экан. Бу хайрли ишга ҳиссам қўшилаётганидан хурсанд бўлдим. Қўлёзмани ўқир эканман, Бобур ва бобурийлар яратган боғлар кўз олдимдан ўта бошлади.

Бобурийзодаларнинг боғ яратиш санъати қўлёзмада мукаммал тарзда ифодаланганини ҳис этиб, яхшигина асар дунёга келаётганидан қувондим. Ансориддин ака кўрганларини аниқ ифода эта оладиган, сўзга бой ва тарихни яхши биладиган қалам соҳиби экан. Айниқса, Тож-Маҳалнинг яратилиш тарихига оид қизиқарли ҳикоя асарнинг гултожи эди. Дарҳақиқат, китоб Бобур Мирзонинг тўйига муносиб совға бўлди. Асосийси, у китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди.

1997 йилга келиб Ансориддин ака ҳинд адабиётидан қатор насрий асарларни таржима қила бошлади. "Хитопадеша ёки ибратли ҳикоятлар" ана шуларнинг бири бўлиб, биздаги "Зарбулмасал"ни эслатар экан. Ҳикоя ичидаги ҳикоя тарзида давом этадиган бу мураккаб асарни Ансориддин ака шундай моҳирлик билан таржима қилган эдики, у худди ўзбек тилида ёзилганга ўхшарди. Китобхонларда яхши таассурот қолдиргани боис асар "Ўқитувчи" НМИУ томонидан икки марта (1997 ва 2005 йилларда) нашр этилди. Мен уларга муҳаррир бўлганим сабабли айрим ўзбек китобхонига нотаниш сўз ва атамаларга изоҳ бериш кераклигини айтганимда Ансориддин ака хурсанд бўлиб кетди.

— Тўғри айтасиз, — деди у, — китобхоннинг ёши ва илмий даражасини ҳам ҳисобга олиш кераклиги хаёлимга келмабди.

Таржимон эртаси кунуиёқ таҳририятга изоҳларни олиб келди. Бу воқеани эслашимнинг сабаби унинг ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши ва қўлёзма сифатини яхшилашга қарата айтилган фикрни, албатта, инобатга олишини таъкидлашдан иборат.

Ансориддин ака 2004 йилда "Бобурномадаги ҳиндча сўзлар тадқиқи" мавзусида номзодлик, 2008 йилда эса "Бобур асарлари лексикасининг лексик семантик, стилистик ва этимологик тадқиқи" мавзусида докторлик ишини муносиб равишда ҳимоя қилди ҳамда филология фанлари доктори илмий даражасини олди.

У урду ва ҳиндий тилларида ижод этаётган кўпгина ҳозирги замон ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига усталик билан таржима қилган моҳир таржимон сифатида ҳам ўзбек адабиёти таржимачилик соҳасида муносиб из қолдирди.

Ансориддин ака қатор йиллар нашр этилган "Бобурнома"ни босмага тайёрлаш ишларида муҳаррир, илмий муҳаррир сифатида фаол иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон энциклопедиясининг фаол муаллифларидан бири сифатида ўзининг илмий мақолалари билан мунтазам қатнашди.

Буни қарангки, бобуршунос олим, филология фанлари доктори Ансориддин Иброҳимов 10 февралда Бобур ҳазратларидан бироз олдинроқ туғилган, вафоти ҳам Бобур вафотидан бироз олдинроқ — 27 декабрга тўғри келди. Бу тилсим ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келади...

Ансориддин ака суҳбатларимизнинг бирида шундай деган эди: "Яхши одамлар ҳеч қачон унутилмайди. Чунки улар қилган хайрли ишлар одамлар қалбида яшайверади". Ҳақиқатан ҳам шундай. Унинг эзгуликка бахшида умри, ёзган асарлари, таржима қилган ишлари ўзи каби узоқ йиллар одамларга беминнат хизмат қилади.

**Баҳром АКБАРОВ,**
**"Ўқитувчи" НМИУ етакчи муҳаррири**

# Меҳр уруғини қадаган устоз

Радиода ишлашни ният қилганларнинг уч хислати қадрланади: маҳорат, жасорат ва овоз. Таниқли шарҳловчи Маҳкам Рихсиевда мана шу уч хислат уйғунлашган эди. Доим "Бугунги шарҳимни тингловчилар қандай қабул қилар экан?" деган ҳадик билан қўлига қалам оларди. Жумла матнига, мазмун-моҳиятига, сиёсий таъсир даражасига бор куч, тажриба ва имкониятларини сафарбар қилар, сўнгра шарҳига меҳр-муҳаббат ато этарди. Муҳими, ҳар бир эшиттиришда янгиликни кўра билар эди.

Ахборот асрида ҳақ сўзнинг аҳамияти беқиёс даражада ошди. Маҳкам ака Ўзбекистон истиқлол йилларида эришган ютуқларни ўз шарҳларида халққа етказишга интилар экан, мамлакатимиз тараққиётига озгина бўлса ҳам ҳисса қўшаётганидан фахрланарди. Мустақиллик боис амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидан баҳраманд бўлаётган халқ ҳаётига чуқур кириб боришга, ҳуррият шабадаларини хорижий мамлакатлар ҳаёти билан қиёслаган ҳолда ёзишга интиларди.

Таъкидлаш жоиз, сиёсий шарҳловчилик ҳаётга ўта зийраклик билан қарашни тақозо этади. Бу борада Маҳкам Рихсиевнинг ўзига хос услуби бор эди. Ҳар бир шарҳида, албатта, миллий менталитетимизга мос халқ мақолларидан фойдаланган ҳолда халқона тилда шарҳ тайёрлашни хуш кўрарди. Кўтариб чиқаётган мавзуларига зийраклик билан қарар, янги даврни чуқур ҳис этгандагина ижод қиларди. Ёшларга "Ҳар бир шарҳ тингловчи олдида ҳисобот" деб уқтирар ва илҳомбахш мулоҳазалари, қолаверса, шахсий ҳаёти билан намуна бўларди.

Устознинг ёшларга меҳрибонлиги, айни кезда талабчанлигини ҳар қадамда туйиб турардик. "Ёт ғоялар домига тушиб қолманглар. Дунёга ақл кўзи билан қарасангиз асло кам бўлмайсиз", дейишдан чарчамасди. Умрини сиёсий публицистикага бағишлаган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси Маҳкам ака Рихсиевнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. 2003 йилда Президентимиз фармонига биноан "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди.

Устоз бугун орамизда йўқ. Лекин чеҳрасидан мудом қатъият ва меҳр ёғилиб тургувчи бу азиз инсоннинг ҳар бир маслаҳати ҳамон бизни илҳомлантиради, рағбатлантиради.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,**
**Ғофур ЖАМОЛОВ**

# Остонада қолган армон

...Ўша куни кўришиш насиб этмади. Кўчасига бурилганим ҳамоно қўнғироқ қилиб айтишди: «Ака, узр-ку, укангиз уколдан кейин ухлаб қолганди...» Ҳайрон бўлдим. Ахир, нари борса, ўн дақиқа аввал телефонда гаплашган, кўришишга келишгандик-ку?!

— Амакисининг ўғли бўламан. Сиз билан мен гаплашган эдим...

Демак, телефонни шу йигит кўтарган, мен эса «Қандайсиз, дўмбоқ укам?» дея гапираверган эканман-да...

— Сиз келаверинг, ака, ўзим кутиб оламан, у уйғонгунча гаплашиб ўтирамиз...

Телефондаги овоздан хижолат оҳанги сезилиб турарди. Қолаверса, ҳадемай қош қораяди. Бунақа пайтда бировни, айниқса, бемор ётган хонадонни безовта қилиш ноқулай. Тонг саҳарда Тошкентга қайтмоқчи эдим, шу боис кеч бўлсаям кўришиб кетай дегандим-да.

Эрта тонгда телефон жиринглади. Кеча мен билан гаплашган йигит экан. Унинг титроқ товуши хаёлимни ағдар-тўнтар қилиб юборди:

— Ўктамжонни бериб қўйдик, ака...

...Ўктамжон Худойқулов исми-жисмига монанд ўктам йигит эди: қорачадан келган, ўрта бўй, тўлагина, кўзлари мудом кулиб тургувчи... У билан бор-йўғи беш ой битта хонада ишлагандик. Танишувдан илк таассурот — кўнгли бағоят очиқ экан. Яна самимий, хушмуомала... Таҳсилни тугатиб, иш бошлаганига кўп бўлмаган эса-да, қалами анча қайралган, ёзган катта-кичик мақолалари анчайин пишиқ-пухта эди. Жамоадаги обрў-эътибори-ку ҳавасга лойиқ.

Унинг ажойиб одати бор эди: гулларни жуда яхши кўрарди. Ҳатто компьютерининг экранига ҳам анвойи чаманзор акс этган сурат жойлаштирилганди. Эрталаб ишни хонадаги гулларга сув қуйишдан бошларди. Сўнг гулларга узоқ термулиб ўзгача завқ туярди: «Чиройлилигини қаранг, мўъжиза бу, мўъжиза!». Мен ҳазиллашардим: «Одам нимага кўп тикилса, ўшанга ўхшаб қолармиш, кўп тикилаверманг-а». Бу гапни жиддий қабул қиларди чоғи, шоша-пиша изоҳ беришга тушарди: «Гулларнинг орасида «ўғил боласи» ҳам бор, ана иккитаси — кактус». Хонада чекадиган бўлсам беозор оҳангда илтимос қиларди: «Ака, аввало, ўзингизга, кейин... гулларга шафқат қилинг...»

2010 йилнинг адоғида таътилдан қайтган укамиз бирдан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзди: «Учкўприкка — уйга қайтаман!» Нега, иссиқ жойни совутиш шартми? «Ёлғиз ўғилман, сингилларимнинг бўйи етиб қолди, дадамнинг ёнида бўлганим маъқул». Бундай ходимни қайси таҳририят қўйворгиси келарди? Жамоадошлар у деб, бу деб фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилдик. Натижа бўлмагач, ўзи хизмат қилаётган «Маҳалла» газетасининг вилоят мухбирлиги таклиф этилди. Бунга ҳам розилик бермади: «Маош олгандан кейин шунга яраша ишлаш керак. Мен... озроқ даволанишим керак экан, кейин...» Ўша пайтда уни кўрган одам уни жиддий муолажа олиши лозим бўлган хасталикка чалинган деб ўйламасди: ўша юриш, ўша туриш, ранг-рўйи жойида.

Кейинчалик ҳам Ўктамжон билан тез-тез қўнғироқлашиб турдик. Фарғонага йўли тушган қадрдон ҳамкасб жамоадошлар борки, уни йўқлаш ҳаракатига тушарди. Охирги пайтларга келиб, у негадир йўқловчилар билан кўришишдан қочадиган бўлди. Кейинчалик маълум бўлдики, хасталик кучини кўрсатиб, укамиз ўзини анчайин олдириб қўйган экан.

2011 йилнинг айни Наврўз арафасида ҳали йигирма бешга тўлмаган Ўктамжонни тупроққа топширдик. Мусибатнинг учинчи куни отаси Асадулла ака ўғлининг уяли телефонидаги суратларни кўрсатди: Ўктамжон умрининг охирги кунларида ётган жойида ўзини ўзи суратга олган экан. Унда укамиз бир ҳолатда ётган бўлса-да, кўзлари ёниб-чақнаб турарди. Худдики «Мен енгилмайман, мен яшайман» деяётгандек. Гапларим сийқадек туюлиши мумкин, аммо Ўктамжон Худойқулов яшаяпти: вафотидан икки ой ўтиб, ундан ёлғиз ёдгор — ўғли дунёга келди.

Қадрдонимизнинг вафотидан анча пайт ўзимга келолмаганим рост. Қазосидан бир кун йўқ бир неча соат аввал остонасидан қайтганимга ҳали-ҳануз таассуф қиламан: кеч-печ демай кираверсам бўлмасмиди?! Эртасига эрталаб кўришишга ишонгандим, аммо бандасининг эмас, Яратганнинг хоҳиши бўлди. Кейинроқ укамизни хотирлаб у ҳақда кўрган-билганларимни қоғозга туширишга ҳаракат қилдим. Бир неча бор уринишимга қарамай бунинг уддасидан чиқиш насиб этмади. Бу — хотира залворими, вақтида кўрсатилмаган оқибат қийноғими ёки уйининг остонасида қолиб кетган армон юкими — билмадим...

**Турсунали АКБАРОВ,**
**журналист**

Дараклар

### ЗИЛЗИЛАДАН 20 ГА ЯҚИН КИШИ ЖАБР КЎРДИ



**Азербайжаннинг шимолида жойлашган Закатальский районида уч марта ер қимирлаши содир бўлди. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар тарқатишича, табиий офатдан йигирмага яқин киши жабрланган. Уларга маҳаллий тиббиёт муассасалари томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатилган.**

Маълум бўлишича, дастлабки ер қимирлаши 7 май куни кундузги 9:40 да кузатилган. Зилзила кучи 5,5 баллни ташкил этган. Кейин кучсиз тебранишлар такрорланган.

Хабарларда, шунингдек, зилзила оқибатида уй-жойларга ҳам талафот етгани айтилмоқда. Уйларнинг томлари бузилган, деворлар дарз кетган. «Trend» ахборот агентлигининг хабарида қайд этилишича, зилзиладан, айниқса, ҳудуддаги Азар, Заям ва Гимир каби тоғ қишлоқлари жиддий зарар кўрган.

Зилзила рўй берган ҳудудга мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тезкор-қутқарув гуруҳи етиб келган. Ҳозирги пайтда бу ерда табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.

Ер қимирлаши бир вақтнинг ўзида қўшни Грузия ҳамда Россиянинг Доғистон республикаси ҳудудларида ҳам қайд этилган.

### «DRAGON» 19 МАЙДА УЧАДИ



**Жорий йилнинг 19 май куни «Dragon» деб номланган биринчи хусусий космик кема учирилади. Уч кунлик парвоздан сўнг — 22 майда кема ерга қайтиб тушади. «France-Presse» ахборот агентлиги «Dragon» соҳиби — SpaceX компанияси вакиллари берган маълумотларга таянган ҳолда шундай хабар тарқатди.**

Бундан олдин мазкур космик кема парвози санаси бир неча маротаба бошқа муддатларга қолдирилган эди. Дастлаб унинг 2011 йилнинг ноябрь ойида космосга учириш режалаштирилган эди. Аммо у амалга ошмади — парвоз янги йилнинг февраль ойига қолдирилди. Техник сабаблар туфайли бу гал ҳам кеманинг учирилиш муддати ортга сурилди. Кейинчалик эса «Dragon» 30 апрелда парвоз қилади, дея эълон қилинди. Хуллас, турли сабаблар важидан парвози бир неча марта қолдирилган, ҳеч бир давлатга қарашли бўлмаган биринчи хусусий космик кема энди «нияти»га етса, ажабмас.

«Dragon» 4,2 тонна юкни орбитага олиб чиқиш имкониятига эга бўлган, космонавтлар бошқарадиган универсаль космик кема ҳисобланади. Уни фазога махсус яратилган «Falcon 9» ракета ташувчиси олиб чиқади.

### ТАЛАБАЛАР ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНАНИ ТОПИШДИ



**Германиянинг Бонн университети талабалари қадимий ибодатхона қолдиқларини топишди. Эътиборли жиҳати шундаки, бўлғуси археологлар бу қимматли топилмага тасодифан дуч келиб қолишди.**

Университет ҳовлисида амалий машғулот сифатида қазилма ишлари олиб борилаётган бир пайтда талабалар қандайдир қадимий иншоот пойдевори борлигини аниқлашди. Шундан сўнг қарийб бир ой мобайнида қазилма ишлари амалга оширилди. Эндиликда археолог-олимлар бу иншоот римликларнинг қадимий ибодатхонаси эканлигини, у тахминан 2 минг йил муқаддам барпо этилганлигини таъкидлашмоқда.

Шу пайтгача Германияда фақат битта жойда — Шимолий Рейн-Вестфалияда қадимий ибодатхона харобалари топилган эди.

### МИНГЛАБ УЙЛАР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИСИЗ ҚОЛДИ



**Кучли қуюн туфайли Япониянинг шарқий ҳудудларида минглаб турар жойлар электр энергиясисиз қолди. Маҳаллий ҳокимият вакилларининг баёнот беришича, Ибараки префектурасида жойлашган Цукуба ва Симоцума шаҳарларидаги уйларнинг электр тармоғида узилишлар содир бўлган.**

Шунингдек, торнадо Тотиги, Гумма ва Тиба префектураларига ҳам жиддий зарар етказган. Бир киши — 14 ёшли ўсмир қуюн оқибатида қулаган уй тагида қолиб кетган ва ҳалок бўлган. 60 га яқин одам турли даражада тан жароҳатлари олган.

Мамлакат метрология агентлиги 10-11 май кунлари янада кучли қуюнларнинг содир бўлиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар тарқатди. Метрологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу пайтда шамолнинг тезлиги тахминан соатига 181-253 километр атрофида бўлиши мумкин.

Шарҳ

# Сайлаш — ишонч демакдир

**Сайлов ҳар қандай давлат ва жамиятда одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятларини белгилаб берадиган жараёндир.**

**Сайловларсиз демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бундай тадбирлар давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлашнинг асосий ҳуқуқий воситаси ҳамдир.**





Шу билан бирга сайловлар турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатини ифодаловчи сиёсий партиялар ҳаётида ўта муҳим воқеа ҳисобланади. Чунки турли ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодалашда сиёсий партиялар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Фуқаролар учун сиёсий минбар вазифасини ўташ, халқ овозига эга бўлиш эвазига ҳокимият органларида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар. Аммо бунга осонликча эришиб бўлмайди. Бу курашда қуруқ ваъдалар, баландпарвоз шиорлар иш бермайди.

Сайлаш — ишонч билдириш демакдир. Демак, сайланган вакиллар ўз-ўзидан халқ ишончига сазовор бўлган инсонлардир. Бундай вазиятда уларга қўйиладиган ягона талаб — ўзларига билдирилган ишончни оқлаш, қабул қилинаётган ҳар бир қонун ёки қарорда халқ манфаатини ифода этишдир. Сайловлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги кураш иборасини бежиз тилга олмаяпмиз. Чунки у ёки бу партия ёхуд гуруҳнинг ҳокимият тепасига келиши сайёрамиздаги сиёсий аҳволнинг, мавжуд кучлар мувозанатининг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз бошланганидан бери ҳокимиятлар тез-тез алмашинувига гувоҳ бўлмоқдамиз. Сиёсий партиялар мамлакатларини таназзулдан қутқариш борасидаги дастурлари самара бермаётгани сабабли сўл ҳокимиятлар ўрнига ўнглар, ўнглар ўрнига сўллар бошқарув жиловини қўлга олганига гувоҳ бўляпмиз.

Бундай ҳодиса 6 май куни президентлик сайлови ўтказилган Францияда ҳам бўлиб ўтди. Сайловнинг иккинчи босқичида Социалистлар етакчиси Франсуа Олланд амалдаги президент Николья Саркозини ортда қолдиргани фикримизнинг яққол исботидир. Бу билан Олланд социалистларнинг салкам 17 йиллик мухолифлигига барҳам берди. Олланд 1981 ва 1995 йиллар орасида икки муддат президентлик вазифасини бажарган Франсуа Миттерандан 17 йил ўтиб, Франция президенти бўлган биринчи социалистдир.

Николья Саркози Франция давлат телеканали орқали қилган расмий мурожаатида ўз мағлубиятини тан олиб, рақибига муваффақият тилади. — Франсуа Олланд — Франция президенти, уни ҳурмат қилиш керак», — деди Николья Саркози.

Таҳлилчилар фикрича, социалистлар ғалабасига нафақат кучли саъй-ҳаракат, балки Саркози йўл қўйган хатолар ҳам сабаб бўлган. Иқтисодиётнинг издан чиқиши, жиноятчиликнинг ортиши ва бошқа кўпгина ижтимоий муаммолар келиб чиққани сайловчиларнинг амалдаги президентдан юз ўгиришига олиб келган асосий омиллардандир.

Хабарингиз бор, 2007 йил 6 май куни бўлиб ўтган сайловларнинг иккинчи босқичида 53 фоиз овоз олган собиқ ички ишлар вазири Николья Саркози мамлакат президенти этиб сайланган эди. Ўша пайтда янги давлат раҳбари радикал ва ҳатто оғриқли ўзгаришларни амалга оширишга ваъда берган, бу билан у турғунликни бошдан кечираётган Францияни яна жаҳондаги рақобатбардош мамлакатлардан бирига айлантиришни мўлжаллаган эди. Афсуски, Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларидаги каби Францияда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар у қадар муваффақият келтирмади. Аксинча, Европа Иттифоқининг локомотивлари саналган Франция ва Германиянинг хатти-ҳаракатлари ва маблағлари Греция, Испания, Португалия каби дефолт остонасида турган давлатларни қутқаришга сарфланди.

Хўш, янги президент ўтмишдан қандай хулосалар чиқаради, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш учун қандай амалларга қўл урмоқчи?

Таҳлилчилар фикрича, социалист Олланднинг ғалабаси бутун еврохудудга жиддий таъсир ўтказиши мумкин. Чунки Олланд бир томондан, сайловолди кампаниясида мамлакат «жиддий инқироз» қаърига ботганини айтиб, ўзгаришлар зарурати ҳақида гапирган. Иккинчи томондан, аллақачон Николья Саркози ва Германия канцлери Ангела Маркель қабул қилган бюджет тартиби ҳақидаги 25 мамлакат томонидан имзоланган Европа шартномасини қайтадан кўриб чиқишни таклиф қилган. Яъни президентлик лавозимида қиладиган биринчи иши Европа Иттифоқининг бюджетни қисқартириш сиёсати бўйича қитъа етакчилари билан музокараларни бошлаш бўлади.

Ички иқтисодий сиёсат хусусида гапирганда Франциянинг янги президенти йирик корпорациялар ва йилига 1 миллион евродан кўп пул топадиган фуқароларга солинадиган солиқ даражасини оширишни ваъда қилган. У шунингдек, энг кам маошни ошириш, мактабларга қўшимча 60 минг нафар ўқитувчиларни ёллаш ва нафақа ёшини баъзи ишчилар учун 62 дан 60 га тушириш устида бош қотиряпти.

Франция ва унинг янги президенти олдида бир қатор муаммолар кўндаланг турганини унутмаслик даркор. Вазият шу қадар жиддийки, сиёсатшунос ва иқтисодчиларнинг фикрича, янги президент қатор тузилмавий ислоҳотлар ўтказмаса, инқироз асоратларини бартараф этиш мушкуллигича қолаверади. Гарчи Франция иқтисодиёти дунёда олтинчи ўринда турса-да, унинг ижтимоий соҳага йўналтирилгани йилдан-йилга мамлакат бюджетига оғир юк бўлиб тушяпти. Молиявий институтлар маълумотларига қараганда, ижтимоий таъминотга берилаётган бу қадар катта эътибор иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини издан чиқармоқда. Бошқа томондан, Ғарбий Европанинг етакчи мамлакати савдо тақчиллигидан ҳам азият чекмоқдаки, оқибатда миллий иқтисодиётнинг ўсиши унинг айрим қўшнилари билан солиштирганда унча катта эмаслиги яққол сезилиб қолмоқда. Учинчидан, Францияда ишсизлик даражаси ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори бўлиб, меҳнатга қобилиятлиларнинг атиги 68 фоизи доимий иш билан таъминланган. Ишсизлик даражаси эса 8,3 фоиз атрофидадир. Талабалар ва битирувчиларда ишга жойлашиш имкониятининг йўқлиги ҳам жиддий муаммо туғдиряпти. Шунинг учун ҳам бандлик муаммоси номзодлар томонидан сайловолди кампанияси даврида муҳокама қилинаётган энг асосий мавзулардан бирига айланмоқда. Жаноб Саркози таклиф этаётган тавсиялар орасида ажратилаётган иш ўринларидан воз кечаётган ишсизларга ёрдамни бекор қилиш ташаббуси борлигини ҳам унутмаслик керак. Дарвоқе, сайловолди кампаниясида номзодлар ташқи сиёсат масалаларига жуда кам эътибор қаратаётганларини таъкидлаш лозим. Чунки бугунги турғунлик шароитида президентликка даъвогарларни ҳам, жамоатчиликни ҳам кўпроқ ички масалалар, айниқса, иқтисодий қийинчиликлардан қандай чиқиш масаласи кўпроқ қизиқтиряпти.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

### САММИТ ҚОЛДИРИЛАДИМИ?



**«РИА Новости» тарқатган хабарда айтилишича, Европа Иттифоқи саммити Украинада ўтказилмайди. Мамлакатдаги оммавий ахборот воситалари эса саммит номаълум муддатга ортга сурилганлигини, Европа мамлакатлари раҳбарлари иштирокидаги нуфузли учрашув, албатта ўтказилишини таъкидлашмоқда.**

Айни пайтда ЕИ саммитининг Украинада ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги борасида турлича фикрлар билдириляпти. Бундан бироз муддат аввал ЕИга аъзо аксарият давлатларнинг раҳбарлари саммитда қатнашмасликларини билдиришган эди. Масалан, аввалига Германия, сўнгра Чехия давлатлари етакчилари саммитда қатнашишдан бош тортишди. Ўз навбатида, ҳозир бунга турли омиллар сабаб сифатида талқин қилинмоқда.

ЕИнинг Ялта саммити 11-12 май кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган. 2011 йилги саммит эса Варшавада бўлиб ўтган.

### ЎЛИМИДАН СЎНГ БИР ОЙ ЎТИБ...

**АҚШнинг Мичиган штатидаги шифохонада ҳайратланарли воқеа юз берди. Шифокорлар оғир касалликдан сўнг вафот этган ҳомиладор аёлнинг эгизак фарзандларини дунёга келтиришга муваффақ бўлдилар. Янаям ҳайратланарлиси, чақалоқлар роппа-роса бир ой давомида сунъий равишда тирилтирилган организмда сақлаб турилди.**



Шифокорларнинг таъкидлашича, эгизаклар муддатидан уч ой олдин туғилган. Шу сабабли ҳам улар ҳозир махсус шароитда — инкубаторда сақланиб, озиқлантирилмоқда. Тиббий назорат учун малакали врачлар жалб қилинган.

— Ҳомиладорликнинг йигирма бешинчи ҳафтасида дунёга келган эгизаклар — Николас ва Александрнинг яшаб кетиш эҳтимоли катта, — дейди мичиганлик шифокор Хелен Девос. — Чунки амалиёт муддатидан олдин дунёга келган болаларнинг етмиш фоизи яшаб қолганлигини кўрсатади. Аммо кейинчалик уларга турли касалликлар хавф солиши, жисмоний ривожланишда ўз вақтида туғилган тенгдошларидан ортда қолиши ҳам мумкин. Хуллас, ҳаммасини вақт кўрсатади.

Интернет хабарлари асосида
Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

Реклама ўрнида

**«TOSHKENT KIMOSHDI SAVDOLARI»**
**масъулияти чекланган жамияти**
**2012 йил 8 июнь куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Савдоларга М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 1-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси балансидаги 2000й.и\ч, д\р 10AU737, бошланғич нархи 4 170 978 сўм бўлган «ВАЗ 21070»; 1998й.и\ч, 2 та д\р 10BB405, бошланғич нархи 6 385 613 сўм бўлган ва д\р 10AP445, бошланғич нархи 7 279 429 сўм, 1996й.и\ч, д\р 01/460DBA, бошланғич нархи 7 385 310 сўм, 1997й.и\ч, д\р 10AP916, бошланғич нархи 7 726 171 сўм; 2002й.и\ч, д\р 01/880VAA, бошланғич нархи 5 396 958 сўм бўлган жами 5 та «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «TOSHKENT KIMOSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 хисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;
— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

**Алоқа телефони:** (+998 93) 388-6996,
**электрон почта:** tkos-mail@inbox.ru

Ибрат

# Мактаб қуриб чарчамаган муаллим

**Ўтган аср саксонинчи йилларининг охирлари эди. Туман газетаси таҳририятига келган шикоят хатини ўрганиш мақсадида тоғли Дуоба ва Қўрғонча қишлоқларига сафарга чиқишга тўғри келди. Сафаримизнинг Дуоба қишлоғида ўтган биринчи кунидаги суҳбатларда хўжалик марказига туташ қўшни Гуматак қишлоғида шахсий маблағи ҳисобидан мактаб қуришга бел боғлаган ўқитувчи ҳақидаги гаплар бизни қизиқтириб қўйди. Шу боис гарчанд хизмат сафари учун ажратилган вақт ҳисобли бўлса-да эртасига Гуматак қишлоғига ҳам кириб ўтишга аҳд қилдик.**

Қишлоқ Кенгаши оқсоқоли Болта Ғаффоров илтимосимизга кўра тонг саҳарда бизни мактабга олиб борди. Аллақачон умрини ўтаб бўлган, тутдай тўкилиб, ҳатто мактаб дегулик сиёғи қолмаган бино ичига киришга юрак бетламай директорни суриштирдик.

— Икки-уч кун бўлди ёзги таътил бошланганига. Директор бовани ҳўв этакдаги теракзордан топасизлар, — дейишди мактаб боғида ул-бул юмушларни бажариб юрган ўқитувчилар.

Дарҳақиқат, эндигина қирқ ёшнинг нари-берисида бўлишига қарамай ҳамқишлоқлари орасида "директор бова" номини олишга улгурган Рамазон Абдуллаевни мактаб этагидаги қуюқ теракзордан топдик. Директор ҳозиргина йиқитилган болорбоп теракнинг шох-шаббаларини ажратаётганди. Салом-аликдан сўнг суҳбат дастурхон атрофида давом этди.

Ўша йиллари туман Кенгаши депутатлигига сайланиш арафасида бундай номзод-директордан ҳамқишлоқлари янги мактаб қуришни режага киритишни сўрашган экан. Депутатлик мандатига эга бўлгач, директор сайловчиларига берган ваъдаси устидан чиқиши учун бормаган идорасию кирмаган эшиги қолмайди. Халқ номидан кириб борган казо-казо маҳкамалардан ҳамқишлоқлари дардига даво тополмагач, депутат-директор охир-оқибат барчасига қўл силтайди-да: "Шу мактабни ўзим қурганим бўлсин" дея ишга киришади. Ўшанда, биз Рамазон Абдуллаевни излаб бориб директор шахсий томорқасидаги терак ва тол дарахтларни шу мақсад учун қирқтираётгани устида чиқиб қолган эдик.

Ўша йилнинг ёзида Рамазон Абдуллаев тиним билмади. Авалига "директор бовага бир гап бўлганов, бўлмаса шу замонда ҳам ўз ҳисобидан мактаб қуриб бўларканми" дея писанда қилганлар ҳам кейинчалик, ишнинг рафторини кўриб аста-секин ўз ихтиёрлари билан директорга мадад бера бошладилар. Мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари эса ёзги таътилни қурилиш ишларига андармон бўлиб ўтказдилар. Хуллас, кўпайишиб янги ўқув йилигача мактаб биносини қуриб фойдаланишга топширишди.

Билим маскани биносининг очилиш тантанасида директор тўлқинланиб шу гапларни айтгани эсимда: "... албатта, шаҳардагидек замонавий мактаб қуриш қўлимиздан келмагандир. Аммо мен кейинги беш-олти йил ичида биринчи марта ўқувчиларимнинг мактаб биносига бемалол кириб-чиқишларидан, уларнинг ҳаётига ҳеч нарса хавф солмаслигидан хотиржамман. Бундай хотиржамликни бошқа жойдан топмаган бўлармидим..."

Истиқлолга эришганимизнинг илк йиллариданоқ Рамазон Абдуллаев биринчилар қаторида мактабда миллий таълим дастурларини жорий этиш, қишлоқ мактабларидаги шарт-шароитларни шаҳар мактаблари даражасига яқинлаштириш ташаббуси билан чиқди. Албатта, изланувчан, фидойи муаллим фақат ташаббус билан чекланиб қолмай, уларни амалга ошириш ҳаракатларини бошлаб юборди. Аммо Гуматакдек туман марказидан анча олис, боз устига тоғ қишлоғида бундай ниятларни рўёбга чиқаришнинг ўзи бўлмасди, албатта.

— Иқтидорли кишиларнинг аксарияти қишлоқ мактабларидан чиқишини биласизми, — деб қолди суҳбатларнинг бирида Рамазон ака. — Шундай экан, қишлоқ болалари таълим-тарбиясига жиддий эътибор берадиган вақт келди. Ишончим комилки, мустақиллик бизни ана шу мезонларга олиб боради. Бироқ, иложи бўлганда ўзимиз ҳам қараб турмаслигимиз, давлатнинг берганига суяниб қолмаслигимиз керак.

Бу суҳбатимиз Кадрлар тайёрлаш Миллий Давлат дастури қабул қилинишидан аввалроқ бўлганди. Ўшанда, суҳбат асносида тиниб-тинчимаган директор яна нималарнидир режалаштираётгани, катта бир ташвишлар гирдобида юрганлигини кўнглим сезганди.

Дарҳақиқат, ўшанда кўнглим алдамаган экан. Орадан ҳеч бир фурсат ўтмай Рамазон Абдуллаев яна мактаб қурармиш деган гап-сўзлар оралаб қолди.

Гуматак чорвачилик ва боғдорчилик учун қулай географик минтақада жойлашгани боис йил сайин кенгайиб, аҳоли сони ошиб бормоқда. Бу ҳол, яъни қишлоқдаги демографик ўсиш узоқни кўзлаб иш тутишга ўрганиб қолган Рамазон Абдуллаевнинг эътиборидан четда қолмайди ва кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси қанчага кўпайиб, мактаб ёшидаги болалар сони қанчага етиб қолишини, бинобарин ҳашар йўли билан қурилган мактаб ўсиб бораётган қишлоқ болалари учун торлик қилишини ҳисобга олиб, қўшимча бино қуришни режалаштиради. Одатдагидек бу гал ҳам директор маблағ сўраб юқори идораларни безовта қилмади, ҳомий изламади. Фақат, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида рўй берган ҳар хил расмиятчиликларни бартараф этишларини сўраб тегишли муассасаларга бир-икки кириб чиқишга тўғри келди, холос.

Бири кам дунё. "Бутун бошли мактаб қуриш учун маблағ қаердан топиляпти, директор хазина топмагандир" қабилидаги майда гаплар ҳам бўлиб тургани рост. Бироқ Рамазон ака бу гапларни эшитишга ҳам, уларга ҳисоб беришга ҳам фурсати йўқ эди. Фақат мактаб қурилишини бошлагунича қўрасидаги 30-40 бош қўй-қўзи, беш-олти новвосдан ҳеч бири қолмагани, катта ўғилнинг уйи учун ният қилиб экилган тераклар битта қолмай кесилганини билади, холос. Камига оила бюджетидан ортган пуллар ҳисобидан йиғилган шахсий жамғарма, фарзандлари қўшган улушлар асқотди. Мактабда ишлаб келаётган ҳар бир ходим, ўқитувчи борки ўз имкониятидан келиб чиқиб маблағ ёрдам қилишди. Қишлоқ болалари-ўқувчилар ёппасига қурилиш ишларига кўмаклашган бўлишса ота-оналар томонидан йиғилган маблағлар қурувчиларга иш ҳақи тарзида тарқатилди. Бир сўз билан айтганда, Рамазон Абдуллаев ташаббускорлигида амалга оширилган хайрли иш халқимизнинг меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик каби бебаҳо хислатларини яна бир бор намоён этди.



Олис тоғ қишлоғида оддий мактаб директори ташаббуси туфайли амалга оширилган кейинги иш республика телевидениеси ва марказий матбуот нашрлари орқали қайта-қайта ёритилди. Эътиборлиси Рамазон Абдуллаев ҳамда қишлоқ аҳлининг эсида узоқ қоладиган ҳодиса шу бўлдики, бу ташаббус ва савоб иш Президентимизнинг назарига, эътиборига тушди. "Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак", деган иборани қайта-қайта таъкидлаб келаётган Юртбошимиз ушбу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлар эканлар, Рамазон Абдуллаевдек фидойи, ўз эли, юрти корига камарбаста инсоннинг меҳнатларини қадрлаб, мактабга давлатимиз раҳбари кўрсатмасига биноан Республика Касаба уюшмалари федерацияси томонидан бепул компьютер жамланмаси ҳадя этилди. Бугун юртимизда компьютер технологияси кириб бормаган бирор бир мактабнинг ўзи йўқ. Аммо ҳали туман марказидаги йирик таълим муассасаларида ҳам компьютер бўлмаган ўша пайтларда олис тоғ қишлоғидаги кичик бир мактабга Президент совғаси сифатида компьютер жамламаси топширилиши давлатимиз раҳбарининг фидойи кишиларга, уларнинг ибратли ишларига бўлган юксак эътибори, ғамхўрлиги рамзи эди.

Ўзининг таълим соҳасидаги сермашаққат меҳнатлари, касбга бўлган фидойилиги туфайли Ўзбекистон халқ ўқитувчиси деган юксак шарафли номга эришган Бойсун туманидаги 53-сонли умумтаълим мактаби директори Р.Абдуллаев мактабда таълим-тарбия ишларини замон талаблари даражасига кўтариш борасидаги хизматлари билан ҳам наинки туман, балки вилоят, республика миқёсида алоҳида эътиборга, ҳурматга сазовор бўлган устоз сифатида эътироф этилган. Билим маскани ўқитувчилари, айниқса ёш педагогларнинг бир нечаси вилоят, республика танловларининг ғолиблари бўлишган.

Рамазон Абдуллаев билан ўтган йиллар ҳақида суҳбатлашиб қолсангиз, айниқса, 2005 йилни алоҳида ифтихор билан тилга олади. Бу бежиз эмас, чунки худди ўша йилда қишлоқ мактаби умуммиллий давлат таълим Дастури асосида тубдан қайта реконструкция қилиниб, шаҳар мактабларидан кам бўлмаган шарт-шароитлар яратилди. Энг замонавий ўқув жиҳозлари, электрон ўқув ускуналари билан жиҳозланган кенг ва ёруғ синфхоналар, лаборатория хоналари қишлоқ ўқувчилари ихтиёрига топширилди.

Мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг бир анжуманида Рамазон ака билан тасодифан учрашиб қолдик. Кўришмаганимизга анча бўлгани боис ёшлар анжуманидан сўнг бир пиёла чой устида домла билан узоқ гурунглашдик. Шунда унинг "Шу кунларда мактабнинг қўшимча биноси ишга тушиши арафасида, очилиш маросимига, албатта, ўтасиз" деган таклифи, очиғи ҳайратимни оширди. Ахир етти йил муқаддам мактаб дастур асосида қайта реконструкция қилинган бўлса...

— Ҳозирча бу сир бўла қолсин, — деди домла ҳайрон бўлганимни сезиб, — Ҳаммасини қишлоққа борганингизда билиб оларсиз.

Қишлоққа эса келишилгандан бошқа кунга боришга тўғри келди. Дарҳақиқат, Давлат дастури асосида қурилган ва қишлоқ кўркига кўрк бағишлаб турган мактаб биносига ёнма-ён 50 ўринли қўшимча янги бино қурилибди. Яна ҳам ҳайратланарлиси шундаки, бу янги бино ҳам асосан Рамазон Абдуллаевнинг маблағи ва ташаббуси билан бунёд этилибди.

— Ҳаммаси жойида-ю, фақат қишлоқ болаларининг икки сменада ўқиётганидан кўнглим тўлмасди. Айниқса, тоғ шароитида қиш мавсуми болалар анча қийналади. Кел, дедим, шунча харажатнинг бири, яна уннаб кўрай-чи, балки кўпнинг кўмаги билан бу ният ҳам амалга ошса, ажабмас. Мана, кўриб турганингиздек, яна бир киройи бинони кўтардик. Энди ўқувчиларимиз бир сменада ўқиш имкониятига эга бўлдилар.

Қўшимча бино қурилиши учун кетган 36 миллион сўм маблағнинг тенг ярми директорнинг шахсий маблағи ҳисобидан, 10 миллион сўм мактаб боғидан ва устахонадан ишлаб топилган маблағ ҳисобидан, 3,5 миллион сўм ўқитувчилар ҳомийлиги, 700 минг сўм ота-оналар кўмаги, 3 миллион сўми эса туман ҳокимлиги мадади туфайли маҳаллий бюджет ҳисобидан жамланибди.

— Тўйлар, фарзандлар учун янги ҳовли-уйлар қурилиши яна ортга сурилибди-да, — дейман Рамазон аканинг амалга оширган ишларидан завқланиб.

— Касблар ичида энг улуғи ўқитувчилик бўлса, иморатлар ичида энг улуғи мактабдир, — фахр билан таъкидлайди жонкуяр муаллим ҳазиломуз сўровимга жавобан. — Қўрадаги мол-ҳол кетган бўлса, бир-икки йилда ўрни тўлар. Уй қуриш, тўйлар ўтказиш эса қочиб кетмас. Ахир, мана шу қишлоқ ўғил-қизларнинг юзлари, кўзларида балқиб турган шодлик, бахтиёрлик қайси бир хурсандчиликдан, мактаб қуриш эса қайси бир уй бино этиш завқидан кам. Зотан, бизнинг, ватанимизнинг келгусидаги бор умиди, таянчи ҳам шулар. Шундай ёшлар учун ҳар бир ўтган кунингни, вақтингни, ҳатто ўз шахсий манфаатинг учун мўлжаллаган ниятларингни ҳам бахшида этсанг арзийди.

Назаримда том маънодаги чин инсон, фидойи муаллимгина айта оладиган хулоса эди бу.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Hurriyat" мухбири**

**Шахсий ҳаёт дахлсизлиги — ҳеч кимнинг аралашувига йўл қўйилмайдиган инсоннинг ҳаётий турмуш тарзи. Шу боис, "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига биноан нотариус, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар, (шунингдек, амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахслар)нинг ўзларига маълум ахборотларни ошкор қилиши тақиқланади.**

# Нотариал ҳаракатлар махфийлиги

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг махфийлиги инсонга ўз эркини, шахсий мустақиллигини қонун даражасида амалга ошириш ҳуқуқини таъминлайди. Бинобарин, жамиятнинг ҳар бир аъзоси шахсий ҳаёти, шахсий ёки оилавий сири, шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шу билан бирга, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятнома мазмуни, тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига оид маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Бу Фуқаролик кодексининг 1128-моддасида белгиланган. Демак, нотариал ҳаракатлар сири субъектлари нафақат нотариуслар, балки қонун билан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган шахслар, нотариал ҳужжатни имзолаган фуқаролар, таржимонлар, махфий васиятнома расмийлаштиришда қатнашган гувоҳлар ва бошка шахслар ҳам бўлиши мумкин.

"Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида нотариал ҳаракатлар ҳақида маълумот тақдим этиш тартиби белгиланган. Унга кўра, бундай маълумотлар суд, прокуратура, тергов органлари талабига биноан улар юритаётган иш муносабати билан бериладн. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Қолаверса, маълум бир ҳолатларда нотариал маълумотномалар давлат солиқ хизмати органига тақдим қилиниши ҳам мумкин. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Нотариал ҳаракатлар махфийлигини бузишда айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**И.НУРУЛЛАЕВ,**
**Амударё туманидаги 2-сон ДНИ нотариуси**

Адлия

# Тадбиркор ҳуқуқи – қонун ҳимоясида

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Давр талабига мувофиқ мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб бориш билан бирга, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ижроси юзасидан мунтазам таҳлилий кузатувлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилди. Амалдаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, юртимизда тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланмоқда.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги, Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари билан адлия органлари зиммасига тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, давлат органлари, назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ҳамда Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган 2011 йил мобайнида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий органлари рухсатисиз айрим назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текширишлар ўтказилгани аниқланди. Масалан, Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ томонидан рейд тадбирлари ўтказилиб, тадбиркорларга тегишли автотранспортларда ташқи реклама воситаларидан ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётгани кузатилган. Ушбу ҳолатлар бўйича ваколатсиз равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузилиб, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига юборилган. Ҳудудий бошқарма мазкур ҳужжатларни кўриб чиқиш учун шаҳар Давлат солиқ бошқармасига жўнатган. Натижада тадбиркорларни маъмурий жаримага тортиш ҳақида қарорлар чиқарилган. Текширишлар якунида ана шундай 12 та қарор бекор қилинди.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиши, рухсатсиз текширишлар ўтказиш каби ҳолатларга нисбатан адлия бошқармаси томонидан қонуний чоралар кўрилмоқда. Учтепа туман ДСЭНМ овқатланиш гигиена бўлими масъул ходимлари якка тартибдаги тадбиркор Б.Каримовнинг фаолиятида рухсатсиз текшириш ўтказиб, унга нисбатан маъмурий жарима қўлланилган. Аниқланган ҳолат юзасидан айбдор шахсга нисбатан тегишли чора кўриш ҳамда қўлланилган маъмурий жаримани бекор қилиш ҳақида Тошкент шаҳар ДСЭНБга тақдимнома киритилди. Натижада масъул ходимлар интизомий жазога тортилиб, тадбиркорга нисбатан қўлланилган маъмурий жарима бекор қилинди.

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган ўрганишларда 13 мингдан ортиқ турли қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 225 нафар масъул шахс интизомий жазога тортилди. Шундан 20 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ноқонуний қарорларини бекор қилиш юзасидан тегишли давлат органларига киритилган тақдимнома ва кўрсатмаларга асосан 62 та қарор бекор қилиниб, ижроси тўхтатилди. Ноқонуний ундирилган 23 миллион сўмдан ортиқ маблағ тадбиркорларга қайтарилди. Масалан, "Binokor qurilish konstruktsiyasi" МЧЖнинг мурожаати ўрганилганда Бектемир туман ДСИ томонидан МЧЖ ягона солиқ тўловидан умумбелгиланган солиқлар тўловига ўтказилгани важи билан ва бунинг натижасида юзага келган фарқ инкассо топшириқномаси орқали ундириб олингани аниқланди. Ўрганишлар якуни бўйича солиқ тўлови тури нотўғри белгилангани оқибатида ортиқча ундирилган 15,1 миллион сўм маблағ корхона ҳисоб рақамига қайтарилди.

Тадбиркорлик ривожи йўлидаги ҳар қандай кўринишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлар, тўсиқ ва ғовларни аниқлаш, зудлик билан тегишли чора кўришда адлия бошқармасида ташкил этилган "Ишонч телефони" яхши самара бермоқда. Ўтган йил давомида "Ишонч телефони"га тадбиркорликка оид келиб тушган 105 та мурожаат ўз вақтида ўрганилиб, уларда келтирилган муаммоли масалаларни ечишда амалий ёрдам кўрсатилди, айримлари юзасидан тушунтиришлар берилди.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш асосида муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ҳаётга татбиқ қилиш — иқтисодий тараққиётга катта таъсир этади. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни жавобгарликка тортиш ҳолларини текшириб, хато-камчиликларга барҳам беришга қаратилган жиддий чоралар кўриш масъулияти юклатилди. Қарорда хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини бузаётган назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш белгиланди.

Ўтган йил давомида хорижий инвесторлар манфаатида судларга 151 та даъво аризаси киритилди. Шуларга асосан корхоналар фойдасига 73,5 миллиард сўм ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини ошириш эзгу мақсад қилиб белгиланган экан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш адлия органларининг устувор вазифаси бўлиб қолаверади.

**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи**

Талқин

# Бобур лирикасида шеърий санъат

Сўзнинг сеҳру жозибаси, нозик қирралари ижодкор яратган бадиий адабиётда намоён бўлади. Ундаги ҳар бир сўз техник ва грамматик шакл-шамойили билан инсониятга бадиий тафаккур воситаси сифатида хизмат қилади. Ўзбек мумтоз шеърияти ривожига улкан ҳисса қўшган ҳассос шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирикасида ҳам бу хусусиятлар бўй кўрсатади.

Бобурнинг асарлари тилининг соддалиги, ўқувчиларга тез етиб бориши билан ажралиб туради. Унинг шеъриятида хилма-хил бадиий услублардан юксак маҳорат билан фойдаланилган. Булар ассонанс, такрир, мукаррар, тазод, тарди акс, тарсеъ, анофара кабилардир. Шунингдек, шоир ўз ғазалларида аруз вазнида унли ва ундош товушларнинг аҳамияти ҳамда оҳангдошлигини кўрсатиб берган. Масалан, унли товушларнинг такрори билан боғлиқ ассонанс санъатини олайлик. «Ассонансе» — француз тилидан олинган бўлиб, «жавоб бермоқ», «жавоб қайтармоқ» маъноларини англатади.

***Тишинг дур, лабинг маржон, қаддинг гул, хаттинг райҳон,***
***Юзинг ҳур, сочинг анбар, сўзинг мул, менгинг мейнон.***

Биринчи мисрадаги ҳар бир унли(у, и, о)нинг иккинчи мисрадаги оҳангдошлиги мавжуд. Баъзиларида эса ўша унлининг ўзи яна такрорланади ва шу асосда мусиқийлик, оҳангдорлик вужудга келади. Эътибор қилинг: *дур — ҳур, лабинг — сочинг, гул — мул, хаттинг — менгинг, райҳон — мейнон* каби сўзлар оҳангдорлиги билан кишини ўзига ром этади.

Бобур шеърларининг фонетик-услубий мукаммаллашувига ҳиссий таъсирчанлик, ҳиссий бўёқдорлик, жўшқинлик сабаб, десак, ўринли бўлар. Сўз такрори билан боғлиқ санъатлардан бири такрирдир. Такрир мисра ёки байтда у ёки бу сўзни бир неча марта қўллаш санъатидир. Намунага назар солайлик:

***Қаду хаттинг била кўзу юзинг, эй сарву сиймин тан,***
***Бири сарву, бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.***

Шоир бу байтнинг биринчи мисрасида *гўзал хатти қадди, кўзи, юзи* ҳақида сўз юритса, иккинчи мисрада бири *сарв*, бири *райҳон*, бири *наргис*, бири *гулшан* дея таърифлаб, ёрнинг гўзал сиймосини яратишга эришган.

Такрир санъатидан сўнг лафзи мукаррар санъат турига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Мукаррар «қайта-қайта», «уст-устига» маъноларини ифодалаб, байтнинг ҳар икки мисрасида жуфт сўзларни қўллаш назарда тутилади. Бу санъатнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Уларда жуфт сўзлар байт мисраларининг бошида, ўртасида ёки охирида келади.

***Бобур бўлубтур ики кўзум йўлида тўрт,***
***Келса не бўлди қошима бир-бир, манга-манга.***

Бу байтда *бир* ва *манга* сўзлари маъно моҳиятини таъкидлаб, ғазалнинг жозибадорлигини оширган.

Шунингдек, «Топилмас» ғазалига ҳам назар ташлайдиган бўлсак, унинг матлаъсида тазод («жафо — вафо»); тарди акс («сенга — менга»); шу байт тўлиқлигича тарсеъ санъати, 3-байтда тажнис («ғам хор»), 4-байтда ийҳом («гулзор») санъати қўлланган.

Бобурнинг ижоди мавзу доираси, шаклий такомили, бадиий томондан ғоят гўзал ва мукаммаллиги билан ажралиб туради. Чунки Бобур лирикасининг деярли ҳар бир байтида шеърий санъатнинг барча турларидан унумли ва моҳирона фойдаланилган. Ғазал, қитъа, туюқ, маснавий, фард ва бошқа жанрларда турли санъат турлари ўз ўрнида қўлланилган.

**Дилбар МАҲМАТҚУЛОВА,**
**Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси**

# ЭЪТИҚОД ВА АДАБИЁТ

"Жаҳон адабиёти" журналининг шу йил январь сонида эълон қилинган Катарина Моммсеннинг "Гёте ва ислом" асарини мутолаа қилиб, баъзи бир мулоҳазаларни қоғозга туширишга тўғри келди. Зеро, ушбу мақола буюк шоир ижодий дунёсини ўрганишда янги саҳифа очиши турган гап.



Гёте немис ва умуман жаҳон адабиётида янги саҳифа очган буюк адиблардан бири. Унинг ижодий меросига мурожаат қилган одам ҳар сафар шоир қалбининг янги бир манзарасини кашф қилади. Биз Гётенинг "Ғарбу Шарқ" девонида мужассам қилинган асарларининг мундарижаси билан XX аср ўрталаридан буён танишмиз. Бироқ ўтган асрда Ватанимизда ҳукм сурган мафкура унинг асл моҳиятини ўрганишга ёки уни ўрганган олимлар ижоди билан танишишга имкон бермади.

Муаллифнинг асар кириш қисмида ва охирида таъкидлаган шоирнинг эътиқодига, ислом динига муносабати унинг ижодий дунёсининг мазмун-моҳиятини белгилашда муҳим роль ўйнаши аниқ. Хусусан, Катарина Моммсен ёзади: "Гётенинг қатъий ишончи шундаки, Худо табиатда ўзини намоён этади". Ахир, бу ғоя тасаввуфнинг Нақшбандия таълимоти асосини ташкил қилади-ку?!

Демак, Гёте Шарқ, хусусан, форс ва эски ўзбек адабиёти орқали ўз ғоявий-эстетик қарашларида янги сарҳадларга чиқа олган. Унинг назарида ислом дини, Аллоҳ эътиқоди инсонни руҳан поклайди, уни Яратганнинг ўзига яқинлаштиради. Бадиий адабиёт эса шоирнинг қалб эътиқодини башариятга очиш йўлидаги бир восита, холос.

Катарина Моммсен ўз мақоласида бадиий адабиёт бирор-бир дин ёки унинг оқимининг тарғиботчиси бўлмай, балки диний бағрикенглик, толерантликка хизмат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бу борада Гётени ҳам шоир, ҳам мутафаккир сифатида ўз даврининг мураккаб инқирозларидан юқори турган аллома сифатида кўради. Унинг бошланган, бироқ қандайдир сабабларга кўра тугалланмай қолган "Муҳаммад" деб номланган фожиа(трагедия)сининг яратилиши ва мундарижасига қайта-қайта мурожаат қилади. Шоирнинг шеърларидан келтирган қатор парчаларда Гётенинг башариятга пок ниятда хизмат қилиш учун дунёга келганлигини исботлашга интилади. Муаллифнинг назарида ислом дини, исломга эътиқод шоирнинг ижодий меросига беқиёс қудрат, мазмун-моҳият ҳамда руҳий парвоз бағишлаган. Унинг асарларининг умрбоқийлиги мана шунда эди, дея таъкидламоқчи бўлади Катарина Моммсен.

Асарни немис тилидан ўзбекчага ўгирган олимлар — М.Умархўжаев ва И.Жабборов ўта хайрли ишни юзага чиқардилар. Ҳар бир пок ниятли инсон бу мақолада худди дилидан тилига чиқара олмай турган гапларни топгандай бўлади.

Таржима нафақат ўзбек зиёлиларига, балки кенг китобхонлар оммасига ҳам мўлжалланган.

**Мусо ТОЖИБОЕВ**

Кузатув



# ТОШЛАР МЕҲРГА МУҲТОЖ

Ғаллаорол туманидаги Моргузар тоғларига туташиб кетган Такатош дараси тошларида ибтидоий даврда чизилган суратлар бор. Бу суратлар устида тарих ўқитувчиси Абдувоҳид Исоқов илмий изланишлар олиб борган. Суҳбатларимиздан бирида у куюнчаклик билан шундай деб қолди: «Бу тошларни текин қурилиш материаллари сифатида одамлар ковлаб кетишмасмикин, деган хавотир мени қийнайди. Чунки Нурота ва Туркистон тоғ тизмаларининг энг яқин келган жойи — Амир Темур дарвозасидаги аҳвол мутасаддиларни бефарқ қолдирмоқда. Ахир, улар табиатнинг бетакрор мўъжизалари-ку!

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номли музейи бош рассоми Темур Саъдулла бу жой ҳақида шундай дейди: "Бу икки қоя бир-бирига интилаётган йўлбарсларни эслатади. Умрим давомида нене юртларда бўлдим. Лекин бундай бетакрор манзарани ҳеч қаерда кўрганим йўқ..."

Мутахассисларнинг фикрича, тошларнинг ўсиши учун асрлар, эралар камлик қилар экан. Аммо уни йўқ қилиш унчалик мушкул эмас, шекилли. Бугун Жиззах вилоятида одамлар томонидан қўпориб, бўлаклаб олиб кетилаётган тошлар буни исботлаб турибди. Бир пайтлар қирлар бағрига зеб бериб турган харсанглар ўрнида бугун ўйдим-чуқурлар пайдо бўляпти. Аҳвол шу йўсинда давом этаверса, табиат тарозисининг посангиси нохуш томонга босиб кетмасмикин?!..

Ҳар ҳолда чора кўрилгани тузук...

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**журналист**

Таажжуб

# Сохта бечоралар

Пойтахтимизда жамоат транспортларидан бирида ёш йигитнинг гап-сўзлари эътиборимни тортди.

— Ассаламу алайкум, аҳли мусулмонлар. Ота-онам ўтиб кетган. Қарамоғимда 5 нафар ука-сингилларим бор. Ўзим ногиронман буйрагимни олдириб ташлаганман. Биз етимларга раҳмингиз келсин. Бир бурда нон учун 500 сўм садақа қилинг.

Таажжубки, бир неча ой муқаддам айнан шу йигитни кўргандим. У ўшанда отаси ўлганини, онаси касал ётганини баҳона қилиб, 200 сўм сўраган эди. Унинг қайси гапига ишониш мумкин. Буни айтиш мушкул.

Афсуски, кейинги пайтда жамоат жойларию, чорраҳаларда меҳнат қилишдан кўра ўз ғурури ор-номусидан кечиб, осон пул топишни хуш кўраётган кимсалар онда-сонда бўлсада учрамоқда. Улар раҳмдил, содда одамларнинг кўнглини юмшатиш учун нималар дейишмайди...

Ўзини ҳар балога соладиган бундай кимсаларнинг аксариятини гўдак болаларни ҳам етаклаётган орсиз аёллар ташкил этаётгани кишини ташвишлантиради. Очиғи, 4-5 ёшли болаларни кўчага олиб чиқиб, пул сўрашга, алдашга ўргатаётган бундай одамлар тўғрисида нима дейишингни ҳам билмайсан. Бу мавзу янгилик эмас. Тўғри, балки уларнинг орасида чиндан ҳам ногирон, ёрдамга муҳтожлари бордир. Лекин шуниси маълумки, бундай ночор аҳволга тушган одамларни маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар ўз қарамоғига олиб, кўмак беришади. Бироқ соппа-соғ бўла туриб, алдаш орқали кун кўраётганларни ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди. Зеро, ҳаётда жисмоний нуқсони ёки ёлғизлигига қарамасдан бир ҳунарнинг бошини тутиб, ҳалол кун кечираётган ватандошларимиз ҳам қанча...

Хўш, нима учун тўрт мучаси соғ болалар бу йўлни танлашмоқда. Балки унга оиладагилари ўрнак бўлаётгандир. Балки ота-оналар фарзандининг нималар қилиб юришидан бехабардир. Нима бўлганда ҳам бугун мамлакатимизда ёшларни таълим-тарбия олишга, ҳунар эгаллашга ва иш билан таъминлаш борасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётган ҳозирги кунда бундай йўл тутиш, аввало ўшандай тақдирни танлаганларнинг ўзига қийин. Шукрки, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч. Ана шу азиз неъматларни қадрига етиш, берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, бор куч-ғайратни юрт келажаги йўлида бахшида этганга нима етсин?!

**Аброр ҲАКИМОВ,**
**ЎзДЖТУ қошидаги 3-сонли академик лицей ўқувчиси**

Фикр

# Тўй, тўйчи, тўйхўр

Тўй халқимиз қадриятларидан бири ҳисобланади. У орзу-истаклар ушалганда, суннат ва никоҳ тўйларини тантанавор нишонлаш мақсадида уюштириб келинган. Тўй маросимларининг кўплиги, аслида, юртда тинчлик ва осойишталикнинг зоҳирлиги, дастурхонимизнинг тўкин-сочинлиги, мўл-кўлчилик ифодасидир.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида тўйлар таърифини келтириб, шундай ёзади:

***Ки бўлғай ҳар уч ой бир равзада тўй,***
***Ки ўлғай ҳар куни юз оту юз қўй.***

Дарҳақиқат, тўй оиланинг энг сара байрамларидан биридир. Хонадон аҳли бу тантанага йиллаб тайёргарлик кўради. Афсуски, баъзида у ҳавойи орзу-ҳаваснинг ифодасига айланиб, оилада ейиш-ичишни қисқартириш ва тирикчилик учун зарурий эҳтиёжларни камайтириш ҳисобидан амалга оширилади.

Тўй-томоша бизда ижтимой зарурат даражасига кўтарилганлигининг яна бир боиси унинг халқ удумлари билан қоришиқлигидир. Бу кўпкарию кураш, дорбозу масхарабоз, хонандаю раққосаларнинг тўйга файз киритиши, узоқ-яқиндан келган меҳмонларга иззат-икром кўрсатиб тансиқ таомлар тортиш, етим-есирларга, бева-бечораларга хайр-садақа улашиш, улуғларни маърака тўрига ўтказиб сарпо бериш, бола-бақраларга совға-салом улашиш каби амалларни жой-жойига қўйишни тақозо этади. Маслаҳатли тўй бузилмас, деганларидек, илгарилари бунинг учун ёру дўст, хешу ақрабо бир муддат олдин чақирилиб кенгаш тузиларди. Бунда ҳозир бўлганлар тўйчининг имкониятларини миридан-сиригача ўрганиб чиқар, камига камол бўлар, атрофлича тадбир тузиб тўйники тўйга қайтар этиб тўёналар бериларди. Тахта сўрилар ясаш, ҳақ-ҳамсоялардан тахта каравотлар келтириб, жойлаштириш, ер ўчоқлари ҳозирланиб дошқозонлар ўрнатиш, омборхона, шираворхонадан тортиб меҳмонларнинг от-уловига махсус масъуллар тайинланарди. Ош тайёр бўлишига чамаси бир соатлар вақт қолганида жарчининг кифтига тўн ташланар, сўнгра у ҳой-ҳойлашга чиқиб кетарди. Маърака тўрида ўтирган оқсоқолларга ошнинг гуручи етилганини кўриб, таъмини татиб бериш учун чуқум намуна пешкаш қилинар, ризолик бўлгач, баракасини тилаб берилган фотиҳадан сўнг қозонга кафгир уриларди. Тўй қилувчининг асосий мақсади маъракани айир-қайирсиз ўз хонадонида ўтказиш, бунда яшаётган даргоҳни кишиларга таништириш, шу ерда муборокбод эшитиш, даврага ош тортиб дарвозахонада бир пиёла чой ичириш бўлган. Бу ўзига хосликнинг файзи бўлакча бўлган.

Тўй — бола-бақраники, деган ажойиб нақлимиз бор. Ўчоқ бошида чумчуқдай чуғурлашиб, тўрттабештаси бир товоқдан талашиб-тортишиб ошаётган болакайларнинг чеҳрасидаги хурсандчиликни кузатганмисиз? Ҳидига илҳақ бўлиб ётган ногиронга ўша тўй ошидан бериб юборилганда ундан бир чимдим татиган беморнинг алқашини эшитганмисиз?

Таассуфки, бугун айримларнинг наздида тўй "Бизни кўриб қўй", "Биз ҳам бормиз" тушунчасини амалий иш билан ифодалашга имкон берадиган оммавий воситалардан бирига айланди. Шу ўринда фикрим исботи сифатида яқин кунларда бўлиб ўтган тўйларимиздан бир мисол келтириб ўтишни ўринли, деб топдим: қўшни маҳалламиздан бир оила тўй қилди. Куёв ёш тадбиркор эди. У энг қиммат тўйхонани гаплашибди. Дастурхонни кўриб кишининг оғзи очилади. Санъаткорлар ҳам таниқлилардан. Хориждагидек ҳар хил мушакбозлигу вальс рақсларини айтмайсизми? Хуллас, икки-уч кундан сўнг бу тўй одамларнинг эсидан чиқди. Лекин тўй эгасининг қарзга ботгани қолди. Эшитишимча, яқинда миниб юрган машинасини кичикроғига алиштирибди.

Энди ўйлаб кўринг. Бу оиладагилар шунча маблағ сарф қилиб нима топди? Маҳаллага ўзини кўрсатаман деб қарзга ботганими ё...

Кейинги пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида тўй базмини тўйхона ё ресторанларда ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Бу чиндан ҳам тўй бераётганларга қулайлик туғдирар, лекин бундай жойларга борсанг, азбаройи одам кўплигидан ҳамма меҳмоннинг ҳам ҳурмати жойига қўйилмайди. Кириш эшиги ёнида тик турган тўй эгаси тўёна қистирганнинг афтига бир қараб қўяди-ю, қайтиб қизиқмайди. Тўйчининг қошингга келиб ҳол-аҳвол сўраши уёқда турсин, кўзи бир бор кўзингга тушмайди. Гоҳида таклиф қилинганларнинг кўплигидан тўйхона эшигида тирбандлик ҳосил бўлса, гоҳо ош етмай ажабтовур ҳолатга тушасан.

Шу ўринда тўйни қизитадиган санъаткорлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Одатда, биз ўртакашу созандалар, ашулачиларга тўйимизга истаганча хўжайинлик қилишига йўл бериб қўямиз. Улар эса қулоғингизни қоматга келтириб, ёлғондан оғиз қимирлатиш билан овора. Бундайларга қистир-қистир бўлса бас. Ҳатто айрим таниқли қўшиқчиларимиз ҳам улардан "ибрат" олишаяпти.

Яна бир гап: тўйхонага киришинг билан мусиқанинг баландлигидан қулоғинг том битади. Кўпинча тўйларда овқат тортилмасдан меҳмонларнинг чиқиб кетаётганларига гувоҳ бўляпмиз. Сабаб битта — ёши катталар бу шовқинларни кўтара олмаяпти. Афсуски, на тўй эгалари, на хонандалар мусиқани пастлатишни сўраб қилинган илтимосларни бирор марта инобатга олишганини эслай олмайман.

Бугунги кунда мамлакатимизда тўйларни ихчамлаштириш бўйича анчагина саъй-ҳаракатлар қилиниб, тотув оға-инилар келин тўйига учтўртта суннат тўйини қўшиб, ҳамжиҳатликда ўтказмоқдалар. Бу билан ўзларигаям, атрофдагиларга ҳам енгиллик яратаётганлари қувонарли, албатта. Айрим қуда-андалар ҳатто ортиқча таомилни деярли қилишмаяпти. "Чойгаштак", "келин чорлар", "юз очиш" каби тўй арафасидаги тадбирларни биргаликда ўтказиш урф бўлмоқда. Аммо маҳалла мутасаддилари тўй-маъракаларни ихчамлаштириш ишлари билан овора бир пайтда айрим оғзи катталар ўз билганидан қолмай янгича йўриқлар тузиб, ўзбошимчалик қилишаётганлари ҳам бор.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарварларимиз ҳам тўйдаги ортиқча харажатлар ҳақида куюниб таассуф билдирганларига юз йилдан ошибдики, айримлар ҳанузгача тегишли хулоса чиқарган эмаслар. Мен бўлсам, улар томонидан айтилган оқилона фикрларга ҳовлиқмаларнинг дабдабали маъракаси ўз оёғига ихтиёрий боғлаб олган тушовидир, деб қўшимча қилган бўлардим.

Холис кишиларнинг ҳисоб-китоб қилишларига кўра, ўртача битта тўйнинг сарф-харажатига янги енгил машина сотиб олса бўларкан. Биз шу маблағни ҳали бағримиздан ажралиб мустақил бўлишга интилаётган ёш оилалар учун янги иморат қуришга, тадбиркорликдаги айланма маблағларни кучайтиришга, қолаверса, кўча-кўй, маҳалла ободончилигига, хайрия ишларига сарфласак, олам гулистон-ку!..

Ҳар бир кишининг Яратгувчи томонидан белгиланган ўлчовлик тош-тарозуси бор. Орзу-ҳавас эса чегара билмайди. Уни ўз имконияти доирасида чеклай олган кишигина чинакамига ўзига муносиб бахтга эришади. Ўзига лойиқ шон-шуҳратдан ортиғи кераксиз юк каби малол келтиради. Қолаверса, керагича истеъмол қилинса заҳар ҳам шифо беради, меъёрида емасанг асал ҳам оғу. Кўп гапиргандан, кўп кулгандан жафо тортганлар беҳисоб. Бас, шундай экан, бор борича, йўқ ҳолича иш тутган, тўй-томошаларимизни, маъракаларимизни ўтказишда меъёрга амал қилган маъқул.

**Ғайбиддин ФАЗЛИЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими**

«Агробанк» ОАТБ

AGROBANK

барча юртдошларимизни
эъзозли ва ардоқли байрам –

Хотира ва қадрлаш
куни билан қутлайди.

9 Май





Инсон қадр-қиммати сарбаланд юртимизга асло кўз тегмасин.
Жаннатмакон Ўзбекистонимиз янада гуллаб яшнайверсин!
Бунёдкор халқимиз соғ-омон, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

«НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ» ҲАБ



Сизларни
9 май —
Хотира ва
қадрлаш
куни —

умумхалқ байрами билан чин юракдан муборакбод этади.

Хотира
ҳамиша
уйғоқ ва
муқаддас



# Миллий матоларимизда ўтмиш нафаси

*Марказий Осиё халқларининг миллий либослари кўп асрлик тарихга эга. Археологик қазилмаларда топилган эрамиздан олдинги иккинчи, учинчи асрларга тегишли деворий расмлар, сопол идишларга туширилган тасвирлар, қабрлардан топилган зебу зийнатлар, турли мато намуналари шундан дарак беради.*

Қадимги ҳинд эпоси — «Маҳобҳорат»да Бақтриянинг қизил рангга бўялган қимматбаҳо ип газламалари бутун дунё бўйлаб тарқалгани ҳақида ёзилади. Ҳақиқатдан ҳам, унинг ҳудудига кирган Сурхондарё вилоятининг айрим жойларида қадимдан тўқувчилик ривожланган. Тўқув лангари тупроқдан, сополдан, тошдан эллипс, пирамида ва яримшар шаклида тайёрланган. Тўқувчилик ноёб касб ҳисобланиб, фақат аёллар шуғулланган.

Милоднинг бошларида Марв бозорида оч кўк газламалар, ола-сариқ беқасамлар, қизил ва бинафшаранг бахмаллар, кўк ва мовий чойшаблар, ғалтакка ўралган калавалар ва рангли иплар камёб қизил рангли минералларга, мис қуймасига алмаштирилган.

Муғ қальасидан V-VI асрларга оид қадимий суғд газламалари коллекцияси топилган. Пахта, жун, ипакдан тўқилган буюмларга ранг-баранг гул ва безаклар туширилган, дур қадалган. Аврали ва астарли газламаларга эса чиройли ранг берилган.

Ўлкамизда ип-газлама тўқиш ипак ишлаб чиқаришга нисбатан анча қадимийдир. Лекин ипакнинг мўллиги ўша пайтларда пахта йўқлиги билан эмас, балки пахта хомашёсининг таркиби билан боғлиқ бўлган.

Араблар Мовароуннаҳрни забт этган пайтда тўқувчиликка қизиқиб қолишган. Тарихчи ва географ Ибн Ҳавқал Самарқанддан икки-уч фарсах олисда жойлашган Ведар қишлоғи ҳақида "Хуросонда қишки кийим устидан ведар газламасини ташлаб юрмайдиган бирорта амир, вазир, қози, бой, оддий фуқаро, жангчи йўқ. Бу уларда гўзаллик ва тантанаворлик белгиси ҳисобланади. Газламанинг ранги сарғиш, юмшоқ, қалин ва майин. Нархи 2-20 динор орасида. Бу газлама нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижликларни ҳам ўзига жалб қилган бўлиб, улар ҳам фахрланиб кийиб юришарди" деб ёзади.

Худди шу сингари газламани ҳозирги Пахтачи туманидаги Добусия қишлоғида ҳам тўқишган.

Бухоро газламаларининг шуҳрати ведардан кам бўлмаган. Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи" китобида Зандона қишлоғи ҳақида шундай ёзади: "Бу қишлоқда тўқиб чиқариладиган нарса — бўзни "занданийчи", яъни "Зандона қишлоғидан чиқадиган" деб атайдилар. Бу ерда у ҳам яхши, ҳам кўп бўлади. Шу хил бўздан Бухоронинг кўп қишлоқларида тўқийдилар ва буни ҳам "занданийчи" деб атайдилар. Чунки у, аввало, шу қишлоқда тўқиб чиқарилган.



Шу хил бўздан Ироқ, Форс, Керман, Ҳиндистон ва бошқа вилоятларга олиб кетилган. Барча улуғлар ва подшоҳлар ундан кийим қиладилар ва ипакли киймлик баҳосида сотиб оладилар".

Занданийчини фақат пахтадан эмас, балки ипакдан ҳам тўқишган. Бу газлама етти юз йил давомида тўқиб борилган. 1616-1619 йилларда Астрахан ва Қозонга бухоролик ва хивалик савдогарлар Русияда севиб харид қилинадиган қизил ва кўк рангли "зендений"лардан (руслар газламани шундай аташарди) той-той олиб бориб сотишган. Умуман олганда, иплар, ип-газламалар «Хоразм — Устюрт — Ғарбий Қозоғистон — Волгабўйи — Новгород» карвон йўли орқали олиб борилган. Улар ҳатто шимолга — Финляндиягача етиб борган.

XV асрда Мовароуннаҳр тўқувчиларининг шуҳрати юксак чўққига кўтарилди. Айниқса, бахмал, туси ранг-баранг енгил газламалар, зардан тайёрланган парча, атлас, тафта, жаннат қушлари ва афсонавий ҳайвонлар тасвири туширилган пардалар, чойшаблар юксак баҳоланган. Рангига қараб газлама қаерда тайёрланганини билиш мумкин бўлган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг тарихий, табиий-географик шароити Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон каби тўқувчилик мактабларини вужудга келтирган. Ҳозир ҳам момомерос ҳунарлар қўлигул ўзбек аёллари томонидан тобора сайқалланиб бораётган миллий матоларимизда ўтмиш нафаси уфуриб турибди.

**Феруза НИЗОМОВА,**
**Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ўқитувчиси**

## Спорт

### Саккизта олтин медал

**Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкил этилган жанг санъатлари олимпиадаси ўз якунига етди. Унда элликдан зиёд мамлакатдан 9 минг нафарга яқин спортчи иштирок этди. Қувонарлиси, ушбу нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз муносиб қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди.**

Мусобақанинг яккакураш беллашувларида спортчиларимиздан М.Эрмонов биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, Шерпўлат Усмонов, Ҳусан Исмоилов ва Шаҳбоз Усмонов ҳам шоҳсупага кўтарилди. Хотин-қизлар баҳсида эса Шаҳноза Зуҳриддинова биттадан олтин ва бронза медал билан тақдирланди. Ундан ташқари, Н.Хайруллаева, Г.Ашурова ва С.Нишонова олтин медаллар билан уйга қайтадиган бўлди.

### Ўйин «Жар»да бўлади

**Миллий терма жамоамиз футбол бўйича 2014 йилги жаҳон чемпионатининг сўнгги саралаш босқичидаги дастлабки ўйинни эронлик футболчиларга қарши ўтказишидан хабарингиз бор. Маълум бўлишича, ушбу ўйин пойтахтимиздаги «Жар» стадионида ўтказилади.**

Ўзбекистон футбол федерацияси бундан сал аввал ФИФАга «Пахтакор» ўйингоҳини уй стадиони сифатида тақдим этган эди. Айни вақтда мазкур стадион майсаси алмаштирилаётгани, майдон учрашувгача тайёр бўлмаслиги сабабли терма жамоа тўртинчи саралаш босқичини «Жар»да бошлайди.

Дарвоқе, ЎФФ матбуот хизматининг хабар беришича, ўйиннинг бошланиш вақти ҳам ўзгарган. Учрашув 3 июнь куни олдин режалаштирилганидай соат 18:00да эмас, балки 19:00да бошланади.

### Теннисчимиз ғолиб бўлди

**Қозоғистонда теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) тақвимига кирувчи халқаро турнир ўтказилди. Мусобақанинг жуфтлик беллашувларида теннисчимиз Албина Хабибулина ва украиналик Анастасия Василева жуфтлиги бош совринни қўлга киритди.**

Хабибулина — Василева жуфтлиги беллашувларни иккинчи босқичдан бошлашди. Финалгача Эстер Масури (Исроил) ва Жамила Дуишеева (Қирғизистон)ни, Сабина Курбанова (Россия) ва Елена Малсева (Россия)ни мағлуб этди. Ҳал қилувчи баҳсда эса россиялик Мая Гаверова ҳамда қирғизистонлик Ксения Палкина жуфтлиги доғда қолди.

**О.АБДУЛЛАЕВ**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими:
236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Бобур МУҲАММАДИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 10937 Буюртма — Г-555 1 2 3 5